

САНЪАТШУНОСЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДИКАСИ



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Санъатшунослик”(турлари бўйича) йўналиши
- ❖ Санъатшунослик фанлари доктори О.Қ.Тожибоева

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий таълим,фан ва
инноватциялар
вазирлигининг 2023 йил 25 августдаги 391-сонли буйруғи билан
тасдиқланган
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи: ЎзДСМИ “Овоз режиссёрлиги ва операторлик
маҳорати” кафедраси профессори,
санъатшунослик фанлари доктори
Тожибоева Олтиной Қосимовна

Такризчи: “Санъатшунослик ва маданиятшунослик”
кафедраси профессори, сан.ф.д.
М.Т.Тўлаходжаева

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	20
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	47
V.	КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	51
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	54
VII.	ГЛОССАРИЙ.....	59
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	157

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Санъатшуносликнинг замонавий методикаси” модулининг мақсади:

- Санъатшуносликнинг (турлари бўйича) турли йўналиш ва жанрлар кесимида ривожланиш босқичлари, тарихи ва замонавий ҳолатини қиёслаш орқали унинг бугунги ҳолатини белгилаш, педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юқори илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини янгилаш ҳамда уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратининг ошишини таъминлашдан иборат.

“Санъатшуносликнинг замонавий методикаси” модулининг вазифалари:

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

-санъатшунослик соҳасининг янги давр муаммолари бўйича маълумотлар бериш ва уларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашни таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этишга ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Санъатшуносликда замонавий методикаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- санъатшуносликнинг ривожланиш тенденцияларини, санъатшунослик фанларининг назарий асосларини, санъатшунослик фанининг олий таълим тизимидаги ўрнини, санъат соҳасидаги турли замонавий услублар, йўналиш ва тамойилларни **билиши** лозим.

- санъатшунослик йўналиши бўйича хорижий манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш, санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш, санъатшунослик соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш **кўникмаларига эга бўлиши** лозим.

- санъатшунослик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш, санъатшуносликнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини назарий асосда ўқув жараёнига тадбиқ этиш, санъатшунослик фанларининг методик таъминотини яратиш, санъатшунослик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш **малакаларига эга бўлиши** зарур.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Санъатшуносликнинг замонавий методикаси” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, аудио-видео ёзувларидан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Мазкур “Санъатшуносликнинг замонавий методикаси” модулнинг мазмуни ўқув режадаги “Санъатшуносликнинг долзарб масалалари”, “Санъатшуносликда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш” ва “Санъатшуносликда ўзбек мусиқа меросининг аҳамияти” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

- Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Санъатшунослик” (турлари бўйича) ва узвий ўзаро боғлиқ бошқа фанлар бўйича машғулотларни олиб бориш, уларнинг мазмунини янги, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Санъатшунослик фанининг асосий функциялари.	2	2		
2.	Санъат жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Санъат турлари ва ўзига хос ифода воситалари.	2		2	
3.	Театр-синтетик санъат сифатида.	2	2		
4.	Миллий кинематографиядаги янги тенденциялар моҳияти.	2		2	
5.	Санъат таълимидаги замонавий ёндашув ва усуллар.	2	2		
6	Санъатшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар	2		2	
7	Санъатда миллийлик ва интеграцион жараёнлар. Таълим ва тарбия уйғунлиги. Шарқона таълим ва тарбиянинг етакчи хусусиятлари.	2		2	
Жами: 20 соат		14	6	8	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Санъатшунослик фанининг асосий функциялари.

Санъатшунослик фанининг асосий функциялари. Санъатшунослик фанининг назарий ва амалий асослари. Санъат турлари ва жанрлари, унинг тасвирий ва ифодавий турлари, санъатларнинг хозирги ҳолати ва йўналишлари. Театр, мусиқа, тасвирий санъат, кино ва башқа замонавий санъатларнинг жамият ижтимоий, маданий-маънавий ҳаёти билан узвийлиги, таниқли драматург, режиссёр, рассом, композитор ва бошқаларнинг ижоди. Санъат турларининг ўзаро боғлиқлиги. Хорижий адабиётлартаҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар санъатшуносликнинг назарий ва амалий жиҳатларини, назарий билимларни амалиётга жорий қилиш тамойиллари ва масъулияти ҳақида маълумот оладилар.

2-мавзу. Театр-синтетик санъат сифатида

Театр-синтетик санъат сифатида. Театр санъатининг қадимий санъат турларидан бири эканлиги. Спектаклнинг асосини драматург томонидан сахна учун мўлжаллаб, махсус ёзилган асар, яъни пьеса ташкил этиши. Шунингдек, томоша санъат тури бўлмиш театр - ўзида барча санъат турлари (адабиёт, мусиқа, рақс, рассомлик ва ҳ.к) элементларини мужассам қилган, синтезлаштирган ҳолда оригинал санъат тури сифатида намоён бўлиши.

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар санъатшуносликнинг муҳим объектларидан бири бўлмиш театр санъати орқали бошқа санъат турларининг уйғунликда янги санъат тури сифатида намоён бўлиш жараёнлари хусусида назарий ва амалий жиҳатдан маълумот оладилар.

3-мавзу. Санъат таълимидаги замонавий ёндашув ва усуллар.

Санъатшуносликнинг ривожланиш тенденциялари. Санъатшунослик фанининг турли санъат турлари эволюцияси, ривожланиш босқичлари ва тенденциялари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келиши, тараққий этиши, унинг ўзига хос қирралари, шунингдек, жаҳон маданий-маънавий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти. Замонавий санъат турлари. Хорижий адабиётлартаҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Тингловчилар мазкур мавзу юзасидан санъатшуносликнинг пайдо бўлиши, замон билан ҳамнафас шаклланиб бориши, ўзига хос хусусиятлари ва унга қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот оладилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1- Амалий машғулот. Санъатшунослик фанининг асосий функциялари (2 соат).

Санъатшунослик фанининг назарий ва амалий асослари. Санъат турлари ва жанрлари, унинг тасвирий ва ифодавий турлари, санъатларнинг hozirgi ҳолати ва йўналишлари. Театр, мусиқа, тасвирий санъат, кино ва башқа замонавий санъатларнинг жамият ижтимоий, маданий-маънавий ҳаёти билан узвийлиги, таниқли драматург, режиссёр, рассом, композитор ва бошқаларнинг ижоди билан тингловчилар танишадилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

2-Амалий машғулот. Санъат жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Санъат турлари ва ўзига хос ифода воситалари(2 соат).

Санъат жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Санъат турлари ва ўзига хос ифода воситалари. Жамият ривожи ва маънавий ҳаётида санъатнинг ўрни ва санъаткор масъулияти масалалари. Ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бўлган маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг мазмун-моҳияти. Тингловчилар маънавий ва мафкуравий таҳдидларнинг санъат соҳаси орқали кириб келиши, уларни олдини олиш йўллари билан танишадилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар юзасидан амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

3-Амалий машғулот. Театр-синтетик санъат сифатида (2 соат).

Театр-синтетик санъат сифатида. Тингловчилар Пиримқул Қодировнинг Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Юлдузли тунлар” пьесасини ўқийдилар ва таҳлил қиладилар. Сўнгра, ушбу пьеса асосида “Дийдор” театр-студиясида режиссёр Баҳодир Йўлдошев сахналаштирган спектаклни кўриб, унда қўлланилган мусиқа, кўшиқ, тасвирий санъат воситалари ҳамда режиссура ва актёрлар ижроси хусусида семинар машғулоти ўтказилади. Шу билан бирга, ЎзДСМИ ўқув театрида сахналаштирилган “Ой тутилган тунда” спектакли ҳам кўрилиб, таҳлил қилинади.

4-Амалий машғулот. Миллий кинематографиядаги янги тенденциялар моҳияти(2 соат).

Санъат соҳасидаги турли замонавий услуб ва йўналишлар. Санъат турларининг мақсадларини белгилаш. Соҳанинг SWOT таҳлили. Глобаллашув жараёнида ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида

санъат турларининг замонавий тамойиллар билан бойиббориши, янги усул ва йўналишларнинг юзага келиши омиллари аниқланади, унинг ижобий ва салбий кўринишларига муносабат билдирилади. Тингловчилар мавзу бўйича кўтарилган масалалар юзасидан амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

5-Амалий машғулот. Санъатшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар (2 соат).

Мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган китоблар, мақола ва интервьюлар орқали санъатшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг мавзулари, йўналиш ва жанрлари билан тингловчилар танишадилар, баъзи хорижий манбаларни дарс жараёнига қўллашнинг ижобий ёки салбий жиҳатлари тўғрисида очиқ мулоқот, баҳс ва мунозаралар ташкил қилинади.

6-Амалий машғулот. Санъатшунослик соҳасидаги замонавий ёндашувлар (2 соат).

Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услугий мажмуаларни яратиш ва модуль асосида дарсларни ташкил этиш амалиёти. Санъатшунослик фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш, очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш, дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилади. Шунингдек, тингловчилар мавзу бўйича кўтарилган масалалар юзасидан амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

“Кейс-стади”
методи

«ФСМУ» методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида

Ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиди амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиди қўлланилган. Кейсди очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерди (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ яқка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ яқка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)**
- 2. “Монна-Лиза” портретини ишлашда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)**

Кейс. Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қаҳрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

-

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг


- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарихий ёки маиший мавзудаги кўпқоматли композиция асарининг ғояси”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш

мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Санъатшунослик фанининг асосий функциялари. (2 соат)

Режа:

- 1.1. Санъат турлари, уларнинг ўзига хос, индивидуал хусусиятлари, мазмун-моҳияти.
- 1.2. Санъат соҳасидаги йўналишлар.
- 1.3. Санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, мақсади ва вазифалари.

***Таянч иборалар:** театр ва кино санъати, саҳна санъати, томошабин, Тасвирий санъат, галерея, театришунослик, метод.*

1.1. Санъат турлари, уларнинг ўзига хос, индивидуал хусусиятлари, мазмун-моҳияти.

“Санъатшунослик” мутахассислик фани бўлиб, санъат тарихи ва назариясининг умумий хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, ушбу йўналишда билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, санъат асарларини таҳлилий-эстетик тушуниш кўникмасини сингдириш ўқув фанининг мақсадидир.

- Жаҳон ва ўзбек санъати тажрибаларини англаш орқали профессионал етук, маънавий баркамол санъаткор, санъатшунос шахсларни етиштириш.

- турли жанр ва йўналишдаги санъатлар ҳақида, уларнинг миллий ва умуминсоний хусусиятлари ва мактаблари ҳақида профессионал тушунчаларни сингдириш;
- жаҳон ва ўзбек санъаткорлари ижодига таянган ҳолда, турли санъат турларининг ривожланиш босқичларини ўргатиш;
- турли жанр ва йўналишдаги санъат асарларини таҳлилий-эстетик тушунишнинг бошланғич кўникмаларини юзага келтириш ушбу ўқув фанининг вазифасидир.

Санъат ҳақида тушунча. Санъат – ижтимоий онг шакли, инсониятнинг маънавий бойлиги. Кўп қиррали ва оламни бадиий-эстетик англашнинг ўзига хос воситаси. Яратувчилик, англаш ва баҳолаш хусусиятлари. Эстетик аҳамиятга эга бадиий ижод. Ҳодисалар, характерларни образли англаш. Образ – санъатнинг асосий ифода воситаси. Ижодий саралаш. Типиклаштириш. Умумлаштириш. Булар асосида ижодий ғояни, ҳис-туйғуларни ифодалаш.

Санъат спецификаси. Бадиий англаш объекти сифатида. Инсон – шахсий ва ижтимоий манфаатлари бирлиги сифатида. Кишилар, инсон ва табиат, инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Ҳам инсон, ҳам воқеликни бадиий-эстетик баҳолаш.

Санъатнинг яхлитлиги ва кўп қирралиги. Композиция ва шакл. Мазмун ва моҳият муштараклиги.

Санъат функциялари. Асосий функциялар. Ижтимоий. Маърифий. Тарбиявий. Этик. Коммуникатив. Томошавий. Эстетик. Образли фикрлаш қобилиятини ривожлантириш. Санъатнинг ғоявийлиги ва бадиийлиги. Санъатда тарихийлик ва замонавийлик масалалари.

Санъат турлари. Асосий структуравий-таснифий бирлиги. Театр ва кинода сўз, драматик конфликт ва персонажлар хатти-ҳаракати. Муסיқада овоз ва оҳанг. Хореографияда ҳаракат ва ритмика. Тасвирий санъатда: рангтасвирда ранг ва нур; ҳайкалтарошликда пластик ечим; графикада чизик, штрих, нур ва соя ва ҳ.к.

Санъат жанрлари. Жанр – санъат тури таркибидаги ички бўлиниши ва нисбатан барқарор, шаклланган хислатларига, ифодавий-тасвирий воситаларга эга экани.

Жанрларнинг модификацияси, трансформацияси.

Жанрлар. Мавзу бўйича – тарихий, замонавий, психологик, илмий-фантастик ва бошқа. Ғоявий-эмоциональ хусусиятлари бўйича – лирик, юмористик ва бошқа.

Тузилмаси, шакли ва ижро усулига кўра бўлиниши. Вокаль-чолғу, камер-симфоник, хор, академик, халқ, эстрада ижрочилиги ва бошқа.

Санъатда синтез. Синтез тушунчаси, тарихий илдизлари, табиати. Ички ва ташқи шакллари.

Синтез структураси, компонентлари. Компонент тушунчаси. Ифода воситаларининг уйғунлашуви.

Синтез ва синкретиз. Томоша санъатларининг синтетик хусусиятлари.

Театршунослик таҳлили аспектлари. Таҳлил аспектлари. Тарихий-назарий. Муаммоли-таҳлилий. Давр ва макон кесимида. Шаклий-стилистик. Маданий-тарихий. Структуравий-типологик. Методологик.

Санъат тарихини умумий даврлаштириш. Қадимги даврдан XIX аср охирига қадар – бадий анъаналар, маънавий ва моддий маданият, санъат тарихи. Шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари. XX асрнинг биринчи ярми ва иккинчи ярмининг 90 йиллар бошигача бўлган давр бадий маданияти, санъати.

Мустақиллик даври бадий маданияти ва санъати тарихий-назарий, методологик, типологик аспектларда.

Бадий танқидчилик. Адабий фаолият тури. Бадий асарни таҳлил ва талқин қилиш. Замонавий бадий ижодда содир бўлаётган жараёнларни умумлаштириш, санъатда етакчилик қилаётган тамойилларни аниқлаш.

Холислик. Мулоҳазаларнинг асосланганлиги. Кенг кўламлик. Касбий этика.

Бадиий танқидчиликнинг фан ва амалиётдаги роли, ижтимоий ўрни. Бадиий танқид – санъат тарихини юзага келтирувчи восита сифатида.

Бадиий танқид жанрлари ва шакллари. Асосий жанрлар. Мақола. Такриз. Ижодий портрет. Аннотация. Бадиий танқид шакллари: оғзаки, ёзма. Жонли ва аудиовизуал чиқишлар. Ахборот технологияларнинг ривожланиши ва танқидчиликнинг янги кўриниши.

Бадиий маданият тушунчаси. Маданият ҳақида тушунча.

Бадиий маданият – инсоннинг яратувчанлик фаолиятини, ранг-баранг бадиий-ижодий аспектларини қамраб олган мураккаб, кўп қиррали ва ноёб ходиса. Санъат асарларини яратиш, тарқатиш, ўзлаштириш бўйича маънавий-амалий фаолият жараёнлари ва ходисалари ёки эстетик қадрга эга моддий предметлар мажмуи.

Бадиий маданиятнинг структураси. Функциялари. Имкониятлари. Илмий тармоқлари. Назария. Тарих. Социология. Иқтисодиёт. Бошқарув. Бадиий маданиятни ривожлантирувчи асосий омиллар ва истиқболи ҳақида тушунча.

Санъатда миллийлик ва интеграцион жараёнлар. Санъатда миллийлик ва замонавийлик масалалари. Санъатнинг универсаллиги ва интеграцион хусусиятлари. Миллий идентификация ва глобаллашув. Глобаллашув тушунчаси.

Санъатда бадиий методлар. Классицизм. Романтизм. Реализм. Экспрессионизм. Импрессионизм. Модернизм. Постмодернизм ва б.

Театршунослик фани ҳақида. Театршунослик фани. Саҳна санъати тарихи, назарияси ва амалиёти. Турлари ва жанрлари. Драматик театр. Мусиқали театр (опера, балет, оперетта, мусиқали драма, мюзикл). Кўғирчок театри. Болалар театри. Ёшлар театри. Цирк. Рақс ва хореография.

Давр ва макон кесимида. Жаҳон, минтақа ва мамлакат миқёсида. Қадимги даврдан бугунги кунга қадар.

Театршунослик фани ўрганадиган мавзу ва масалалар доираси. Театр тарихи ва назарияси. Миллий драматургия. Актёрлик санъати. Режиссёрлик. Сценография масалалари. Балетмейстрлик маҳорати. Театрда мусиқа.

Телетеатр. Радиотеатр. Театр матбуоти. Театр-студиялар фаолияти. Синтез масаласи.

Ўзбекистонда яшайдиган бошқа миллатларнинг театрлари. Театр таълими. Вилоят театрлари. Мусиқали театр режиссураси. Театр дирижёрлиги санъати.

1.2. Санъат соҳасидаги йўналишлар.

Санъат - чуқур фалсафий мазмун-моҳиятга эга бўлган кенг қамровли тушунча бўлиб, санъатшунос мутахассилардан ўз касбини эгаллаш учун бир қатор билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб қилинади. Жумладан санъатшунос мутахассис:

- Театр, кино ва бошқа санъат турларига юкланган ижтимоий-маънавий вазифаларни; халқ оммаси, айниқса ёшларнинг маънавий ва маданий тарбиялашда бадиий танқиднинг ўрнини; мамлакат бадиий-танқидий жараёнида санъатшунос - журналистнинг ўрнини; санъат танқидчилигининг ривожланиш тарихини; санъатни асосий турлари ва ифода воситаларини; санъат турлари бўйича санъатшунослик атамаларини; санъат асарларини ҳаётийлиги, ишончлилиги ва бадиийлиги тушунчаларини; санъатларнинг ўзаро таъсири ва синтезини; санъатлар синтезининг назарий ва ижтимоий асосларини; санъат турларининг ўзаро интеграллашув омилларини; босма ва электрон ОАВда санъат турларининг бадиий танқид методологияси, шакллари, жанрларини; жаҳон санъатининг адабий-бадиий оқимларини; жаҳон санъатининг буюк санъаткорларини санъат назариёти ва амалиётига тааллуқли кашфиётларини; санъатшунослик фанларида морфологик ва ғоявий-бадиий таҳлил методика ва методологиясини; XX аср ўзбек санъатшунослигининг энг сара ишларини; мустақиллик даври санъатшунослигини; классик ва замонавий насрий асарларнинг машҳур инсценировкаларини; санъат социологиясининг тегишли йўналишларини; санъат ривожланиши ва фаолиятини таъминловчи ижтимоий ҳаёт қонунларини; санъатшунослик бўйича тадқиқот мавзуларини; санъатда ижтимоий фикр ҳолатини; ҳозирги замон санъатининг ҳолати ва истиқболини;

санъат турлари ва жанрлари, шакллари ва услубларини; бадиий-танқидий ва тадқиқий ишлар турлари ва жанрларини; санъатшунослик турлари моҳиятини, фаолиятни ўзига хослигини, назарий ва амалий жиҳатларини умумий тарзда ўзлаштириши тақозо қилинади.

Шунингдек, асарни сўзли бадиий эстетик тасвирлаш орқали тиклаш; мазкур асарнинг оҳанги, мавзу, ғоя, куй бадиий сифатларини таҳлил қилиш, бунда асарнинг жанр талабларини эътиборда тутиш; тасвирий санъат асарларини бадиий-ғоявий ва морфологик таҳлил қилиш; газета ва журнал ўқувчилари ёки телетомошабинларга тасвирий санъат асари мазмуни, мавзу ва ғоясини етказиш методологияси; тасвирий санъат асарларида ранг, нур, соя ва бошқа ифода воситаларини ажрата олиш; матбуот ёки телерадио учун тайёрланган материалнинг асар спецификаси ва жанридан келиб чиққан ҳолда таҳлил қила олиш; спектакль, томоша, концерт, бадиий кино ва видео асарларни асосий компонентлари: драматургия, режиссёрлик ва актёрлик ишлари бўйича таҳлил қилиш; вокал-муסיқали, пластик-рақс, бадиий-декорацион ижро ва бошқаларни компонентларга ажратмасдан, яхлит бадиий асар қисми сифатида узвий ўзаро алоқадорликда кўриб чиқиш; таркибий қисмларни пьеса ва спектакль “олий мақсади” сари хизмат қилишидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш; таҳлил қилинаётган асарнинг сўзли эстетик, бадиий қиёфасини (образини) яратиш маҳорати; санъатнинг замонавий ҳолатини ўрганишда умумсоциологик (жамият фикрини ўрганиш) методологияларини амалда қўллаш; маълум санъат асари хусусидаги баҳс, муҳокамаларда иштирок эта олиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш; бадиий-танқидий ва тадқиқий ишларни ёзиш; тингловчилар аудиторияси олдида мутахассислик мавзуларида нутқ сўзлаш; ўзининг эркин бадиий-танқидий муносабатини ифода этиш; санъатнинг долзарб масалалари ҳақида изланишлар олиб бориш ва мақолалар ярата олиш; санъатнинг турли соҳалари бўйича кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш ҳамда олиб бориш; ОАВда санъатнинг асосий турларини таҳлил қилиш ва тарғиб этиш; санъат турлари ва арбоблари ҳақида ахборот, кенгайтирилган ахборот, тақриз, ижодий портрет,

кенгайтирилган газета ва журнал (муаммоли) мақолаларини ёзиш, санъат асарларини оғзаки таҳлил қилиб чиқиш; кўрсатилган театр, кино ва бадиий теле радио асарни барча параметрлар бўйича санъатшунослик журналистикаси жанрини ҳисобга олган ҳолда, ғоявий-бадиий ва эстетик таҳлил қилиш; ўткир қалам тебратиш ва таҳлилий фикрлаш кўникмаларига эга бўлиш талаб қилинади.

1.3. Санъатшунослик фанининг ўзига хослиги, мақсади ва вазифалари.

Ҳозирда кино санъатида янгидан янги асарлар, турли жанрдаги бадиий фильмлар яратилмоқда. Ачинарлиси, илмий йўналиш билан амалий йўналишнинг ўртасида катта жарлик булиб қолганлигидир. Санъатшуносларнинг, танқидчиларнинг урни аста йўқолиб бораётгандек. Бунинг энг катта сабаби мазкур жаҳада моддий масалалар тулали-гича тизим сифатида ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, ҳар қандай соҳа ривожига илмий изланиш ва тадқиқотларнинг урни муҳим туради. Яхши фильм яратилгандан сунг унинг таҳлили ва илм нуқтаи назаридан урганилганлик даражасининг юкори савияда бўлиши кино соҳасининг тараққиётига хизмат қилади. Агарда, талабларга жавоб берадиган бадиий фильмлар яратилмаса киношуносликнинг ривожига ҳам ўсмайди.

Бадиий танқидчилик бугунги кунда оқсаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Бунинг энг асосий сабабларидан бири ёш мутахассисларнинг етишиб чиқмаётганлиги, юкорида айтганимиздек, бу йўналишда ҳам фаол ижодкор тарбияси билан боғлиқ масалалар кўнгилни ўртайди. Моҳир таржимон ва мунаққид Озод Шарафиддинов "Танқидчилик касби ҳақида" номли мақоласида "Эстетик туйғунинг заифлиги, санъатдаги гузалликни пайкай билмаслик санъатни бир томонлама тушунишга, уни фақат гоёлар йигиндисидангина иборат нарса деб талқин қилишга, санъатни сиёсатга югурдак қилиб қуйишга, танқидчини эса асарда тасиврланган воқеалар ва характерларни "яхши ёхуд ёмон" деб баҳоловчи қозига айлантириб қуйишга

сабаб булади", дея таъкидлаган эди. Ҳозирда бадиий танкидчиликнинг методологик потенциали сустлашиб, худдики, юзаки тенденциялар, зурмазураки ҳисоботлар эгаллагандек назаримда. Мазкур йуналишда фаол изланишлар самарасини ошириш илм-фан ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўша олади. Жамиятни маънавий модернизациялаш тенденцияларининг муҳим жиҳати илмий изланишлар, тадқиқотлар сифатини ошириш билан баҳоланади. Олимлар, ёш изланувчилар диссертация ишларини юқори савияда ҳимоя қилиниши ва натижада келтирилган тавсиялар махсус комиссия томонидан ўрганилиб, тасдиқдан ўтганлари жамиятнинг амалий ҳаётида экспериментал тажриба сифатида қўлланилиб қўрилиши мумкин. Тараққиёт стратегиясида хато ва камчиликлар бўлиши табиий, уларни бартараф этиб, самарали ютуқларга етишиш учун турли лойиҳаларни амалда синаб куриш мумкин.

Буюк келажак сари интилаётган барча мамлакатнинг стратегик дастурида ижтимоий ривожланиш билан бир қаторда, маданият ва санъат соҳаларига албатта эътибор қаратилади. Зеро, маданият ва хос санъат умуминсоний ғояларга йўғрилган бўлиб, халқни эзгу-мақсадлар асосида бирлашишга, илғор ва етакчи ғоялар сари етаклашга хизмат қилади. Кино санъати эса бадиий визуал таъсирга эга бўлиб, шахснинг маънавий-ахлоқий камолоти, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий саноати мақомини белгилайди.

Ҳозирги кунга келиб ўзбек телевидение соҳаси саноат манбайига айланиб улгурди. Айниқса, хусусий телеканаллар ўзининг тижорат мезонини, иқтисодий-молиявий ҳолатини бош мақсадига айлантирди. Эндиликда ҳдқиқий санъат ортга чекиниб, саноат олдинги даражага ўтди. Масалан, реклама роликлари, телесериаллар намойишларини айтиш мумкин. Нопрофессионал ёндашув асносида бир марталик томошалар урчиб кетди. Мазкур жараён бевосита бадиий танкидчиликнинг оқсашига сабаб булмокда. Ўз-ўзидан аёнки, хусусий телеканалларнинг медиа маҳсулотлари мутлақо

эркин равишда ишлаб чиқарилади ва намоёиш этилади. Унга соҳа мутахассисларининг, танқидчилар ва санъатшуносларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

Санъатшуносликнинг замонавий тенденциялари бугунги кун амалиётида янги тушунча эмас, балки аллақачон, санъатшуносликнинг долзарб масалаларидан бирига айланиб улгурган. Санъатшуносликнинг замон билан ҳамнафас шаклланишда давом этиб келаётган йўналиш ва тенденцияларини таҳлил қилиш орқали, хозирга замон санъатларининг мазмун моҳияти ва тараққиёт омилларини аниқлаш мумкин.

Малака ошириш тингловчилари учун белгиланган мавзуни ўрганиш жараёни бир қатор қўшимча омилларни ўз ичига олган ҳолда амалга оширилади. Бунда жумладан, қуйидагиларга аҳамият берилади:

1. “Санъатшунослик (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

2. Замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш;

3. Санъатшунослик турлари бўйича педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

4. Педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

5. Махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

6. “Санъатшунослик (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.


7. Санъатшуносликнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари, таълим сифатининг ижобий ўзгаришига хизмат қилувчи омиллар ечимини топиш.

8. Санъатларнинг ўзаро интеграцияси. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

9. Санъатшунослик фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши.

10. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши.

Мавзуни ёритиш мобайнида бир қатор миллий адабиётлар биан ёнма-ён, “Театр танқидчилиги. Журналистика санъатидан дарслик” хорижий адабиёт материалларидан ҳам фойдаланилади. Унда АҚШ санъат журналистикаси тарихи, тадрижий ривожланиши ҳамда истиқболи билан боғлиқ бўлган жараёнлар, кузатувлар, тасаввурий ва қизиқарли мақолалар тадқиқ этилади.



Bob Abelman and Cheryl Kushner

A Theater Criticism/Arts Journalism Primer: Refereeing the Muses

Театрдаги постановкалар томошабинларни ўзига жалб қилиш учун эстетик ҳамда маҳоратнинг ўзаро уйғунлиги асосида изчил ишлаб чиқаришни ифодалаш керак. Журналистика санъатининг барча шаклларида иштирок этиш учун ушбу қўлланмада танқидий фикрлаш ҳамда танқидчилик кўникмаларини ошириш воситалари киритилган. Ушбу китоб танқидчилик, журналистика соҳасида фаолият олиб боришни хоҳлаган ёки ўз устида, ушбу соҳада чуқур малака касб этишни истовчилар ҳамда театр танқидчилиги ва

журналистика санъати йўналишида таҳсил олувчи коллеж талабаларига мўлжалланган. Қўлланма жуда қулай тарзда замонавий жараёнларни ўзида мужассам этган ҳолда, мавзуларни батафсил ва мухтасар ифодалаган тарзда мисоллар билан бойитилиб нашр этилган”¹.

Шу билан ушбу қўлланма санъатшуносликда маркетинг талабни кондиришга қаратилган фаолият ва маркетингини талаб мақсадини, шу билан бирга керакли маркетинг стратегиясини танлашга имкон беради. Бир неча талаб даражасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. “Санъатшунослик назарияси ва амалиёти эволюцияси. Филип Котлер санъат соҳасига тааллуқли тарафдорларидан биринчиси бўлиб, санъат соҳасидаги ташкилотлар “маданий маҳсулот” ишлаб чиқади, ҳамда санъат истеъмолчилари диққат-эътиборини жалб этиш ва миллий ресурсларни тақсимлашда бир бири билан рақобатлашади, деган фикрни олға сурган (Котлер, 1975). Кейинчалик эса илмий тадқиқотчилари бадиий эҳтиёжлари остида шаклланган ижодий ифодани мажбур қилиши оқибатида вужудга келадиган тангликларни ўргана бошлаганлар”².

Санъатшуносликнинг ўзига хос қирралари, ривожланиш тенденциялари унинг субъект ва объектларидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Субъектларига санъат маҳсули яратувчилари, воситачилар ва истеъмолчилар кирса, объектларини эса санъат маҳсули, ташкилотлар, шахслар ташкил этади. Айнан хорижий манбаларни ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш орқали санъатшуносликнинг бугунги қиёфаси, ривожланиш тамойиллари ва истикболи ўрганилади.

Жамият ривожини ва маънавий ҳаётида санъатнинг ўрни ва санъаткор масъулияти масалалари. Ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бўлган маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг мазмун-моҳияти.

¹*Bob Abelman and Cheryl Kushner*
A Theater Criticism/Arts Journalism Primer: Refereeing the Muses

Санъатда юз бераётган жараёнларни нозик ҳис қилиш; санъатнинг барча тараққиёт даври ва ижодий йўналишлардаги турли хил жанр, шакл ва услубларини малакавий асосда фарқлаш; турли хил санъат воқеликларини таҳлил этиш ва умумлаштириш; санъат воқеликларига бадий-эстетик баҳо бера олиш; ахборотни йиғиш, тизимлаш, умумлаштириш ва фойдаланиш ҳамда ихтисослик бўйича илмий-тадқиқий изланишлар олиб бориш, мутахассисликка оид матнларни, барча турдаги санъат асарларини таҳрир қилиш ва уларга тақриз бериш; адабий манбани сахна асарига айланиш масаласи: режиссёрлик талқини, актёр ижроси, синтез, мавзу, ғоя ечими масалаларини оғзаки ва ёзма таҳлил қилишда замонавий ёндашув ва тамойиллар. Бунда бошқа гуманитар фанлар ва санъатшунослик соҳасидаги ўзгариш ва тенденциялар, уларнинг турлари, хиллари ҳамда ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда соҳанинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга тизимли ёндашувни назарда тутиш.

Санъатнинг барча турлари инсон маънавияти ва тафаккурининг камол топишига хизмат қилади. Бунда, ҳар қандай санъат асарининг бош қаҳрамони бўлмиш, инсон омили устуворлик қилади. Худди шу нуқтаи назардан, ҳар қандай бадий асар инсон руҳияти ва дунёқарашига кучли таъсир ўтказа олиши билан жамият ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давр ўз санъати ва санъаткорларини яратади ва улар ўз даврига хизмат қиладилар. Ўзбекистон Мустақил давлат деб эълон қилинган, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб эълон қилинди. Шу даврдан бошлаб, миллий қадриятларимизга таянган, менталитетимизга хос миллий маданиятимиз ва санъатимизни шакллантириш, тараққий эттириш, тарғиб қилиш ва жаҳонга олиб чиқиш ҳаракатлари бошланди. Бунда асосий эътибор халқимиз, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий етук, ҳар томонлама- ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлодбўлиб камолга етишлари йўлида хизмат қиладиган прогрессив ғояларни ўзида мужассам қилган бадий баркамол санъат асарларини яратишга қаратилади. Шу билан бирга, ёшларимиз онгини

захарловчи, миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ёт бўлган, бузғунчи ғоялар сингдирилган оммавий маданият унсурларининг кириб келишини олдини олиш вазифаси ҳам замонамизнинг энг долзарб, глобал муаммоларидан бўлиб қолди. Ёшларимиз дунёқарашини издан чиқарувчи асарларнинг пайдо бўлиши ва тарғиб қилинишини тўхтатиш ва олдини олишда айниқса санъатшунос мутахассисларнинг фуқаролик бурчи ва масъулияти юқори эканлиги айтилиши ҳақиқатдир.

Санъат – инсоният бадиий фалсафий тафаккурининг мевасидир. Шу боис унга бўлган инсон эҳтиёжи асло сўнмайди. Инсоният маданий тараққиёти замондан замонга қараб ўсиб, ривожланиб борар экан, санъатга бўлган эҳтиёж ҳам шунга монанд муттасил ўсиб боради. Замон тақозоси ва талаби сифатида янги турлар, янги жанрлар пайдо бўлаверади. Санъаткор бадиий тафаккурига, ижро маҳоратига, санъатнинг бадиий-фалсафий, ижтимоий-тарбиявий асосларига бўлган талаблар ҳам муттасил ўсиб бораверади. Иккинчидан, санъат мухлисларининг, демакки, кенг халқ оммасининг санъатдан бадиий-эстетик завқ олишга интилиши асносида унинг санъат турлари хусусиятларини англашга, санъаткорлар ҳаёти, ижоди, маҳоратларининг ўзига хос томонларини, имконият даражаларини, санъатлар тараққиёти жараёнларидаги ютуқли ва муаммоли томонларини билишга интилиши азалдан юксак даражада бўлган. Шу боис, бугунги ахборот-коммуникатив имкониятлар ошган, глобаллашув жадаллашган бир шароитда бу масала янада ўткирлашиб ҳам бадиий-ижтимоий, ҳам ижтимоий-иқтисодий долзарблик кўрсатмоқда. Ҳар иккала жараённинг гармоник тарзда бориши ва ривожланишини таъминлашда, айниқса, санъат асарлари орқали миллий менталетимиз ва маънавиятимизга ёт, бузғунчи ғояларнинг юртимизга кириб келишини олдини олишда жуда кўп омиллар қатори санъатшуносликнинг ўрни ва масъулияти ҳам юқори бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган, миллий қадриятларни тиклаш ва уларни Истиқлол даври талаблари асносида ривожлантириш драматурглар, санъат аҳлининг асосий вазифаларидан бўлиб қолгани,

яратилган имкониятлар туфайли драматургия ва саҳнамизда Амир Темур, Мирзо Бобур, Исмоил ал Бухорий, Аҳмад Яссавий каби тарихий сиймолар образларининг пайдо бўлиши, айниқса сўнгги йилларда миллий санъатимизнинг барча турларида мустақиллигимизни мустаҳкамлашга беқиёс хисса қўшиб келаётган илғор, фидойий замондошларимиз образларини яратиш борасидаги қизгин ҳаракатлар эътиборга лойиқдир.

Назорат саволлари

1. Ривожланган хорижий мамлакатларда санъат таълимининг етакчи хусусияти нимада?
2. ВГИК таълим методикаси қандай тузилган?
3. Кино мутахассисларини тайёрлашда Россияда неча босқичли тизим мавжуд?
4. Акмеологик ёндошув деганда нимани тушунасиш?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. 7 октябрь 2013 йил(ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2017 йил 31 май №ПҚ-3022 . “Халқ сўзи” газетаси 1 июнь, 2017 й.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.:“Маънавият”,2008. 176 б.
5. Андрей Тарковский: начало пути (воспоминания, интервью, лекции, статьи) - М., ВГИК, 1994, 204.С.

6. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. – Тошкент: Фан, 2007. – 160 б.
7. Жорж Садуль. Всеобщая история кино / перевод с французского В. А. Рязанова. — М.,: «Искусство», 1958. — Т. 1. — 611 с.
8. Карцева Е. Голливуд: контрасты 70-х. Кинематограф и общественная жизнь США. - М.: Искусство, 1987. - 319 с.

2-мавзу. Театр-синтетик санъат сифатида

Режа:

- 2.1. Театр-томоша санъат тури сифатида.
- 2.2. Театр санъатининг қадимий илдизлари.
- 2.3. Қадимги театр тарихининг ўзига хос унсурлари.

***Таянч сўзлар:** Театр санъати, драма, комедия, сатира, трагедия, режиссура, пантомима, опера, балет, декорация, сахна, томошабин, спектакль, драматург, режиссёр, актёр, муסיқали драма, қўғирчоқ театри, майдон томошалари.*

2.1. Театр-томоша санъат тури сифатида.

Театр – обектив борлиқдаги воқеа-ходисаларни сўз, соз, муסיқа, рақс, пантомима, ҳаракат орқали ифодаловчи санъатнинг энг оммавий ва қадимий турларидан биридир.

Театр – юнонча “театрон” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “томошагоҳ” маъносини англатади. Актёрларнинг сахнавий ҳаракатлари орқали ҳаётни, ҳаётини ходисаларни бадиий равишда акс эттирувчи санъат тури, шу санъатга асосланган томошалар ҳам театр деб аталади. Ёки Шундай санъат намоиши


килинадиган, томошалар кўрсатиладиган бино тушунилади. Умумий маънода эса актёрларнинг сахнадаги орқали кўрсатиладиган томоша, спектакл назарда тутилади. Айни пайтда мустақил санъат тури бўлиб, унинг ўзига ҳос ифода воситаси, актёрнинг омма олдидаги ўйини жараёнида юзага келадиган сахнавий воқеалардан таркиб топади. Бошқа санъатларда бўлганидек театр санъатида ҳам халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр асосида ёзма ёки оғзаки драматургия ётади.

Театр санъати синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида томошабинларнинг маънавий ва эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутати. Унда драматургия, муסיқа, тасвирий санъат, рақс, меъморлик ажралмас бирликни ташкил этади.

Театрнинг санъатининг муҳим воситаларидан бири – сахна нутқидир. Актёр қаҳрамоннинг пьесадаги сўзларини ўзлаштириб олар экан, қаҳрамон кифоасида, ҳолатларда туриб унинг нутқий тавсифини яратади, бошқа персонажлар билан мулоқотга киришади. Сахна нутқи ҳаракатларнинг очилишида, асар мазмуни, конфликтининг ёритилишида муҳим ўрин тутати. Сахна асарларининг яратилишида театр расоилари (сценографияси) нинг ҳиссаси катта. Рассом асар мазмуни, ғояси ва режиссёрлик ечимидан келиб чиқиб, ўзига ҳос ва сахна кўринишларига мос декорация яратади. Бу эса маълум маънода сахна асарининг муваффақиятини таъминлайли.

Театр санъатида муסיқанинг ҳам алоҳида ўрни бор. Томоша тури ва жанрига боғлиқ ҳолда у турли вазифани бажаради: дараматик санъаткорларда ёрдамчи восита бўлса, опереттада, мусиқали драмада сўз билан баробар ҳуқуққа эга. Опера ва балетда эса ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Театр санъати фани юртимизда ва бутун дунёда театр санъатининг келиб чиқиши, тарихий тараққиёт босқичлари, ҳозирги долзарб муаммолари ва бадий жараёнларини ўрганадиган, таҳлил қиладиган мустақил фанлардан биридир.



Трагедия – юнонча сўз бўлиб драманинг бир тури – ҳаётий кучлар, қарама-қарши характерлар, эҳтирослар ўртасидаги кескин кураш, конфликт дахшатли воқеа, ходиса, мудҳиш аҳвол. асос қилиб олинган ва кўпинча қаҳрамоннинг ҳалокати билан тугайдиган фожиали асар (Шекспирнинг “Гамлет”, Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедиялари).

Комедия – ҳаётда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва бошқа воқеаларнинг асл қиёфасини масхаловчи кулгили сахна асари.


Трагикомедия – фожиали комедия, ҳам трагедия, ҳам комедия элементларини ўз ичига олган сахна асари.

Сатира – юнонча сўз бўлиб ҳаётдаги салбий ходисаларни, камчилик а нуқсонларни қаттиқ масхаралайдиган, қоралайдиган ўткир ҳажвий асар.

Театр санъатининг асосий йўналишлари:

1. Драма театри
2. Муסיқали драма
3. Сатира театри
4. Опера ва балет театри
5. Оперетта театри


6. Кўғирчоқ театри
7. Қизикчи ва масхарабозлар театри
8. Театр студиялари
9. Эстрада театри
10. Модалар театри



Ўзбек тилида кўпинча томоша атамасини ишлатиш одат тусига кирган. “Томоша” сўзи асли арабча бўлиб, ҳозирги ўзбек тилига ўгирганимизда қараш, кўздан кечириш, нигоҳ ташлаш деган маъноларни англатади. Профессор М.Қодиров “томоша” сўзининг моҳияти хусусида тўхталар экан, қуйидаги мулоҳазаларни билдиради. “Томоша-бу кўпчилликка қаратилган ва кўрувчини асосан қувонтирадиган хангомалар, ўйин-кулгилар, буюмлар манзаралар, ижрочилик санъатлари (муסיқа, масхара, муқаллид, кўғирчоқ ўйин, қиссагўйлик, воизлик, дорбозлик ва ҳоказолар) намоёндаларининг чиқишлари; халқ ўйинлари, маросимлари, мана шуларнинг ҳаммаси кўриш, улардан таъсирланиш жараёнидир. Томошада икки томон-ижрочи ва

томошабинларнинг жонли мулоқоти муҳим ҳал қилувчи хусусиятдир. Томошалар халқ ва давлат байрамлари, турли-туман маросимлар ва тўйлар муносабати билан ташкил этиладиган базм ва сайилларда якка ёки бир гуруҳ ижрочиларнинг ҳоҳишлари билан тўпланадиган йиғин ва маъракаларда бўлиб ўтади” (91.4,5).

Манбаларга қараганда, томоша кўрсатиладиган жой ўтмишда “томошагоҳ”, “зўрхона” (кураш уюштириладиган майдон) “тарабхона”, “маърака майдони”, “сайилгоҳ”, “ўйингоҳ”, “тойпон” (улоқ мусобақалари ўтказилаётганда ғолиб чавандозларга совринни тантанали топширадиган сахна) каби турли маҳаллий тушунчалар истеъмол қилинган. “Маърака” сўзининг луғавий маъноси уруш майдонидир. Истилода ва кўчма маънода эса халойиқ тўпланадиган ва ҳар хил кишилар ўртага чиқиб қобилияти, хунарини намойиш этадиган жой ҳам маърака дейилган.




Халойиқ ўртасида кўрсатиладиган томошаларда энг муҳим хусусият ишқибозлар билан ижрочилар ўртасидаги мулоқотдир. Томошалар ўтадиган жойларнинг маърака деб аталиши ҳам шундан. Жанубий вилоятларда халқ орасида “тўпхона”, “давра”, “қур” каби маҳаллий атамалар ҳам ишлатилади. Томошаларни чор атрофда кузатиб, ҳордиқ чиқариш билан бирга маълум даражада унда иштирок этувчилар “томошачи”, “”томошабин” деб аталади.

XX асрда рўй бера бошлаган маданий трансформация жараёнлари натижасида бундай атамалар сафига янгилари келиб қўшилди. Замонавий биноларнинг қурилиши, Оврўпо намунасидаги янги, ҳар тарафлама қулай

томоша саройларининг қарор топиши бунга сабаб бўлди. “Театр”, “томоша зали”, “маданият саройи”, “санъат саройи”, “санъат галереяси”, “кўрғазма зали”, “кинотеатр”, “павильон”, “цирк манежи”, “спорт саройи”, “стадион”, “ипподром”. “теннис корти”, “бассейн” каби атамалар шулар жумласидандир. Бугунги кунга келиб бундай атамалар ҳам мазмун ҳам сон жиҳатдан янада кенгайиб бормоқда.

2.2. Театр санъатининг қадимий илдизлари.

Театр санъати узоқ тарихга эга бўлиб, унинг асосий унсурлари инсониятнинг қадимий даврларида, овчилик меҳнат ва диний маросим, байрамлар билан боғлиқ тотемизм, анимизм каби қадимги дунёқарашлар ва аجدодлар руҳларига сиғиниш билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Юнонистон, Ҳиндистон, Марказий Осиёда милоддан аввалги тўққизинчи асрдаёқ театр жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган.



Ҳиндистонда театр синскрит тарзида халқ театри шаклларида ҳамда “Махобхорат” ва “Ромаяна” дostonлари билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Кейинроқ театр яқин шарқ ва римга ҳам ёйилган. Айниқса римда театрнинг янги шакли ва турлари яратилган. Ғарбий авропада театр санъатининг дастлабки намуналари сайёр актёрлар жанглёрлар ижодида, Россияда рус скоморохлари фаолиятида юзага келган.

Уйғониш даврида вужудга келган драма янги шаклдаги профессионал театрнинг шаклланишига замин яратди.

Ўн олтинчи аср охири – ўн саккизинчи аср ўрталаридан балет санъатига асос солинган бўлса, ўн тўққизинчи аср ўрталаридан оперетта мустақил театр тури сифатида ривожлана бошлади.

Театр санъатининг кейинги тараққиёти классицизмнинг кенг ёйилиши билан боғлиқ бўлди. Ўн саккизинчи асрда маърифатчилик оқимидаги театр тараққий этди. Аста секин реалистик тенденция кучайди. Айниқса, Галдоне, Шиллер кабилар ижодида реализм ёркин намаён бўлди. 18 асрнинг охирларига келиб драма, мелодрама, комедияларда сатирик йўналишларнинг юзага келиши театрда демократик асоснинг кучайишига сабаб бўлди. Театр ғоявий ва бадий курашлар майдонига айланди.

XIX асрнинг биринчи ярмида вужудга келган романтик йўналиш театрда гуманистик идиаллар ва кўп ҳолларда ҳаётий орзуларнинг ёритилишига олиб келди. Драмада ўзига хос миллийлик, халқчиллик, тарихийлик ва ижтимоий адолат учун кураш оҳанглари кенг қулоч ёйди.

XIX аср охирларидан театрни ислоҳ қилишнинг янги даври бошланди. Театр бадий адабиёт (проза, поэзия), янги драма (Чехов ва бошқалар) билан бойиди.

XIX аср охирларида XX аср бошларида театрларда актёрлик санъатида ҳам янги таълим услуби – Станиславский системасини қўллаш бошланди.

XX асрнинг йигирманчи йилларида Мейерхолд, Вахтанговларнинг режиссёрлик фаолияти театрнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

XX аср ўрталарида Ғарб режиссураси ва сахна санъатига Б.Брехтнинг ижодий услуби катта таъсир кўрсатди. Замонавий театр дунё театрининг демократик, халқчил анъаналарини мустақил ўзлаштириб бориши, сахнавий талқинларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда анъанавий театр тарихи жуда қадимийдир. Унинг куртаклари илтидоий жамоа давридаёқ ов ва бошқа меҳнат жараёнлари акс этган тақлидий рақслар, жанговар ва бошқа халқ ўйинлари, табиат кучларига топиниш оқибатида юзага келган маросимлар шаклида намаён бўлган.

Милоддан аввалги VII-VI асрдаёқ туронда зардуштийлик ва унинг муқаддас китоблар тўплами Авесто билан боғлиқ икки тоифа кулгили ва қайғули томошалар шаклланган. Юнон бактрия подшолиги даврида Ойхоним, Ниса, шаҳри Ғулғулада махсус театрлар бўлиб, уларда Еврипиднинг “Алкеста”, “Ипполит” каби трагедиялари кўрсатилганлиги маълум.

Милоддан аввалги 1-асрлардан милодий 4-асрда Кушон давлатида Будда дини билан боғлиқ турли театрлашган томошалар мавжуд бўлган. Айритом ибодатхонаси пештоқидаги чолғучи қизларнинг тасвирлари шунини кўрсатади. Аста-секин Туронда театр санъати диний маросимлар қобиғидан чиқиб дунёвий мазмун касб этади – инсон ҳаёти, ижтимоий муносабатларни тасвирлашга эътибор кучаяди.

VI-VII асрларда Турон юртидан чиққан чолғучилар, актёр ва раққосалар Буюк ипак йўли орқали қўшни юртларга ижодий сафар қиладилар IX-XII асрларда халқ байрамлари, маросимлари, урф-одатлари ва улар билан боғлиқ томошалар тикланибгина қолмай, аҳоли орасида кенг тарқалди. Масхара ва тақлид театри ҳар жиҳатдан ривожланди.

Темурийлар даврида театр санъатида кескин юксалиш рўй берди. Шарофиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихоларнинг маълумотларича бу дарда ройтахт Самарқанд ва бошқа нуфузли шаҳарларда оммавий театрлашган майдон томошалари уюштирилган. Анъанавий театр ва бошқа санъат томошалари айниқса Миззо Улуғбек даврида (1394-1440) Моварауннаҳрда, Хусайин Бойқаро даврида (1469-1576) Хуросонда тараққий топди.

2.3. Қадимги театр тарихининг ўзига хос унсурлари.

Жаҳон театри ривожланишининг асосий этаплари; антик театр: қадимги юнон драмаси ва театрини юзага келиши; Афина демократия даврида (м. а. V аср) театр; Эсхил, Софокл, Еврипид, Аристофан ижоди; Аристотель “Поэтика”си; эллин даври театри; Рим театри: Рим театри илдизлари, республика даври (м. а. III – I асрлар) Рим театри, Плавт Теренций ижоди; империя даврида Рим театри; ўрта асрлар театри: мистерия, моралите, фарс; уйғониш даври театри; итальян театри, испан театри, инглиз театри; француз классицизми театри; Ғарбий Европада маърифатпарварлик даври театри: француз театри, итальян театри, немис театри, янги замон Ғарбий Европа театри (1789 – 1871): француз театри, инглиз романтик театри; немис романтик театри; XIX – XX асрларда хорижда Ғарбий Европа театри: француз театри, скандинав мамлакатлари театри, итальян театри, инглиз театри, немис театри; 1917 – 1945 йиллар даврида Ғарбий Европа театри: француз театри, инглиз театри, немис театри, итальян театри, АҚШ театри; Югославия халқлари театри; янги замон Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ театри: драматурглар Ж. Сартр, Э. Ионнекус, С. Беккет, Д. Осборн, Э. де Филиппо, П. Вайс, Ф. Дюрренмат, Т. Уильямс, А. Миллер ижоди; театр арбоблари Ж. Барро, Ж. Вилар, Л. Жуве, П. Брук, Д. Гилгуд, Э. де Филиппо ва бошқалар ижоди.

XVIII аср рус театри; XIX аср биринчи ярмида рус театри: драматургия, театрлар, актёрлик санъати; XIX аср иккинчи ярмида рус театри: драматургия, етакчи театрлар фаолияти; XIX аср охири ва XX аср бошларида рус театри: драматургия, МБТ (МХТ) (1898-1917), бошқа театрлар фаолияти, етакчи актёр ва режиссёрлар фаолияти; 1917 – 1932 йилларда рус театри; 1932 – 1958 йиллар даврида рус театри: драматургия, актёр ва режиссёрлик санъати; 1958 – 1985 йиллар даврида рус театри: драматургия, актёр ва режиссёрлик санъати; 1985 – 2000 йилларда рус театри: асосий оқимлар, характерли ҳодисалар; МДХ халқлари театри тарихий ривожланиш этаплари; профессионал тизимдаги

театрларни тикланиши; озарбайжон ва татар театри ва драматургияси, Марказий Осиё халқлари драматургияси ва театри; сахна санъатида театр изланишлари ва тажрибаларининг хилма – хиллиги ва бойлиги; миллий театр маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсири, хилма – хиллиги ва ўзига хослиги.

Ўзбек театри тарихи қадимий даврлардан мавжуд бўлган оғзаки (анъанавий) масхарабоз ва “қизиқчи” профессионал театрлари, шунингдек, анъанавий кўғирчоқ театрининг ўзига хос хусусиятлари; Европа шаклидаги ўзбек адабий драмаси ва миллий театрининг шаклланиш жараёни; жадидлар драматургияси ва театри; “Турон” театри фаолияти ва унинг Туркистонда театр ҳаракати ривожланишидаги ўрни (1910 – 1917); театрларни давлат ихтиёрига ўтиши, драматургия, профессионал сахна, давлат театрларининг яратиш жараёнлари (1918 – 1930): драматургия, сахна ва репертуар, актёр ва режиссёрлик санъати; 30 йилларда ўзбек драматургияси ва театр: Ҳамза номидаги академик драма театр, ўзбек ёш томошабинлар театри, вилоят театрлари фаолияти; 40 – 50 йилларда ўзбек драматургияси ва театри: Ҳамза номидаги академик драма театри репертуари, актёр ва режиссёрлик санъати, театрнинг ёш авлоди; А. Навоий номидаги опера ва балет театри фаолияти; Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри фаолияти; Республика ўзбек ёш томошабинлар театри; вилоят театрлари; 60 – 80 йилларда ўзбек драматургияси ва театри: Ҳамза номидаги академик драма театри, Муқимий номидаги мусиқали театр, А. Навоий номидаги опера ва балет театри, А. Ҳидоятлов номидаги театр (собик “Ёш гвардия” номли), республика ўзбек ёш томошабинлар театри; вилоят театрлари; Миллий мустақиллик даврида ўзбек драматургияси ва театри: Ўзбекистон республикаси суверинитети ғоясини ифодалаш воситалари бўйича янги изланишлар, ҳукумат, “Ўзбекистон театр санъати келгусидаги ривожлантириш” ишлари бўйича Президент сиёсати; ўзбек театрларининг хориж сафарларига чиқиши; репертуар сиёсатидаги эркинлик.

Муסיқа санъати ривожланишининг асосий этаплари; муסיқа – ибтидоий жамоа тузуми турмуши қисми сифатида; ўрта асрлар даврида муסיқий ҳаёт: трувер ва трубадурлар ижоди; Уйғониш даври муסיқаси; Бах, Гендель – полифоник мактаблари; муסיқанинг буюк намояндалари – Гайдн, Моцарт, Бетховен; миллий композиторлик мактаблари: Польша, немис, венгер ва италян. Муסיқада импрессионизм – Равель, Дебюсси; XX аср муסיқасида замонавий оқимларнинг туғилиши ва ривожланиши: жаз, эстрада санъати, поп – муסיқа; Ғарбий Европа ва Шарқ муסיқа маданиятларида барча жанрлар ва стиллар тикланиши ва ривожланиши; Қадимги Шарқ муסיқасининг ўзига хос хусусиятлари: Миср, Ҳиндистон, Хитой ва уларнинг ўзаро таъсири ва миллий ўзига хос хусусиятлари; рус муסיқа маданияти: рус муסיқа классицизми; XVIII аср рус муסיқа маданияти; рус операси ва театрини юзага келиши; XIX аср бошларида вокал муסיқаси; М. И. Глинка ва уни миллий опера шаклланишида аҳамияти; “Қудратли тўда” композиторлари; П. И. Чайковский ва унинг жаҳон муסיқий маданиятига қўшган ҳиссаси; С. И. Танеев, С. В. Рахманинов ва А. Н. Скрябин – XX аср рус муסיқаси; XX аср рус муסיқа маданияти (совет даври); опера, оратория, симфония, оммавий кўшиқлар; С. Прокофьев, Д. Шостакович, А. Хачатурян, Г. Свиридов, Р. Щедрин, А. Шнитке ва бошқалар ижодининг жаҳон муסיқа маданиятидаги ўрни.

Миллий муסיқа маданияти илдизлари; Ал – Форобий, Ибн Сино, Хоразмий, Беруний каби буюк мутафаккирларнинг муסיқий назарий мероси; муסיқанинг маънавий – маърифий таъсирдаги ўрни; А. Темур ва Темурийлар даврида муסיқа санъати; Навоий даврида муסיқий ҳаёт; ўзбек халқ ва халқ профессионал ижоди (жанрлар, шакллар, куй тизимини лад ва метро ритмик тузилиши тамойиллари); ўзбек халқ чолғулари; ўзбек мақомлари; шашмақом – халқ кўшиқ – чолғу ижодининг классик намунаси (вокал ва чолғу бўлимлар); мақоматда йўналишлар: Бухоро, Тошкент – Фарғона, Хоразм; мақом ижрочилари ижоди; миллий муסיқа маданиятининг ёрқин ҳодисаси сифатида бастакорлар ижоди (Ю. Ражабий, И. Икромов, Т. Жалилов); чолғу (ансамбл, оркестр) муסיқасининг келгусидаги ривожланиш тарихи; ўзбек

композиторларининг мусиқий ижодий фаолияти (симфоник, вокал – симфоник мусиқа); мусиқий театр санъатининг туғилиши: назария, тарих ва замонавийлик; театр ва кино – мусиқаси; эстрада – жаз мусиқаси; янги тарихий шароитдаги Ўзбекистон мусиқий маданияти ривожланиш таҳлили; мустақил Ўзбекистон даврида мусиқа ва театр мусиқасининг муҳим воқеалари (“Шарк тароналари”, “Ўзбекистон – Ватаним маним”, “Наврўз” театр фестивали).

Тасвирий санъат тарихи ва назарияси ривожланиш этаплари ва умумий қонуниятлари; тасвирий санъат турлари: рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, халқ амалий санъати, меъморлик; тасвирий санъат жанрлари – маиший ва тарихий портрет, пейзаж, натюрморт ва бошқалар; ривожланишнинг умумийлиги ва хусусиятлари; қадимги дунё санъати: ибтидоий жамоа тузуми, қадимги Миср, Юнонистон, Рим; ўрта асрлар Ғарб санъати; араб халифалиги тасвирий санъати; Уйғониш даври (XVII аср, Италия); XVII – XX асрлар Ғарбий Европа санъати; рус санъати тарихи; XX аср жаҳон санъатида асосий йўналишлар; маданий мерос муҳофазаси ва ривожланиш муаммолари; жаҳон цивилизацияси тарихида ўзбек миллий маданияти: Ўзбекистон маданияти ривожланиш хусусиятлари ва унинг ёрқин намояндалари; Ўзбекистон санъат тарихининг асосий этаплари – қадимги, антик, ренессанс – ўрта асрлар, Амир Темур ва Темурийлар даврида маданиятнинг гуллаши; XVII – XIX асрларда Ўзбекистон санъати; XIX аср охири XX аср Ўзбекистон тасвирий санъати: Ҳ. Икромов, Ч. Аҳмаров, М. Набиев, Д. Рўзибоев, Ж. Умарбеков, Б. Жалолов, А. Мирзаев, А. Икромжонов ва бошқаларнинг ижодида XX асрнинг янги тури ва жанрлари шаклланиши; мустақиллик мафкураси ва уни Ўзбекистон тасвирий санъат тарихи ривожланишидаги ўрни; барча даврлар моддий маданият, турмуш ва либос тарихи.

Европа, Англия ва бошқа мамлакатларнинг овозсиз кинематографияси; овозли кино даври; Ўзбекистон кинематографияси тарихий тажрибаси; кинематографиянинг адабиёт, рангтасвир, мусиқа билан алоқалари; МДХ киноси тарихи; усталар - Д. Вертов, С. Эйзенштейн, А. Довженко, Пудовкин,

Я. Протазанов; кинометографлар ишлаб чиқадиган мавзулар хилма – хиллиги; мумтоз ва замонавий насрнинг ўзлаштирилиши; кино ижодкорлигининг тарихий жараёни ва кинематография услубларининг назарий идрок этилиши; шахс шаклланишига кино воситасида эстетик таъсир этиш; кинометография истиқболлари; ўзбек халқи ҳаётига кино кириб келиши; ўзбек соқов кинеси; кинода долзарб замонавий мавзу; экранда тарихий мавзу; овозли кино бошланиши; 1936 – 1941 йиллар – “Асал”, “Азамат” фильмлари; уруш йилларида кино; Н. Ғаниевнинг “Тоҳир ва Зухра” классик фильмини яратилиши; урушдан кейинги қийинчилик йиллари; бадий фильмлар тўхтатилиши; 50 йилларда ўзбек кинесини уйғониши; кинони адабиёт билан ижодий алоқалар тикланиши; 60 йилларда ўзбек кинеси гуллаши; кинометографиячиларнинг янги авлоди келиши; 60 йилларнинг етакчи мавзулари замонавий, уруш мавзуси, тарихий; 70 – йилларда кинода ижодий даражанинг тушиши; 80 йилларда кино; режиссёрларнинг янги авлоди келиши; мустақиллик даври кинеси; ҳужжатли кино тарихи ва назарияси: ўзбек ҳужжатли кинесини ривожланиш этаплари; хроника – ҳужжатли кинометографиясида жанрлар хилма – хиллиги; илмий – оммабоп фильмларда хилма – хил мавзуларни ўзлаштирилиши; МДХ ҳужжатли кино ривожланиши; ҳужжатли кино фильм тажрибаси ва ҳужжатли илмий – оммабоп кино назарияси юзага келиши; илмий тарғиботда илмий – оммабоп кино ўрни; мустақиллик даври ўзбек кинесини тараққий эттиришда давлат сиёсати; телевидениеда жанр ривожланиш истиқболлари.

Ҳаракатсиз объектни, сўнгра масофада ҳаракатланишни тасвирлаш тарихий тажрибаси; телевидение хусусиятлари; жаҳон ва МДХнинг етакчи телевизион станцияларининг кўрсатув ташкил этишдаги тажрибалари; телевидение ривожланиши бўйича назарий мулоҳаза ва тезислар; масофадан кўрсатувлар тасвирий сигналларни узатишнинг техник имкониятлари ва такомиллаштириш йўл - йўриқлари; телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришлари тузилиши; жаҳон кино, театр усталарининг жамиятда телевидениенинг ўрни ҳақида назарий мулоҳазалари; телевидение ва

радионинг мафкуравий роли, ижтимоий аҳамияти ва тарбиявий функциялари; телевидениенинг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш фаолияти имкониятлари; шахсий назарий концепциянинг тикланиши; телевидениенинг жамиятдаги эстетик функцияси; Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, бозор иқтисодиёти шароитларида иқтисодий, жамиятнинг мафкуравий ва ижтимоий муаммоларнинг ечимида миллий телевидениенинг роли ва вазифалари; мустақиллик йилларида телевидение фаолиятини такомиллаштириш бўйича ислохотлар.

Драма назарияси курсининг санъатшуносликнинг турлар бўйича касбий тайёргарликда тутган роли, ўрни ва аҳамияти; курс тузилишининг методологик тамойиллари учун адабиёт ва санъат, драматургия ва театрнинг назарий муаммоларига тегишли адабиётшунос ва санъатшунос, файласуфларнинг классиклари; улар ишларининг асосий аҳамияти; классиклар Эсхил, Шекспир, Шиллер ижоди ҳақида; Лассалнинг “Франц фон Зикинги” трагедияси ҳақида; қаҳрамонлик, фожейлик, кулгилиликнинг эстетик хусусиятлари ҳақида; Аристотель, Лессинг, Гегель, Белинскийнинг бадиий адабиётни алоҳида хил (тур)ларларга ажратиш зарурлиги ҳақида мулоҳазалари; Бадиий адабиёт хили (тури: драма, лирика, эпос);

Аристотель драмани “ҳаракатни ҳикоя эмас, ҳаракат орқали тақлид қилиш” деб белгилаши; драматик асарда коллизия ва конфликт, воқеалар тузилиши драматургик асарларда; драматургик асарларда ҳаракат; драматургик асарларнинг композицияси; драматургик асарларнинг жанрлари; драма ва театр: театр фақат пьеса орқали билвосита эмас, балки мустақил бадиий тузилмага эга бевосита ҳақиқатни ифодалаш санъати; драматургия бадиий адабиёт ва театрга тегишли санъат тури сифатида. Гоголнинг драматургия санъати ва театр муносабатларининг ўзига хослиги ҳақида, Гегель сахнавий талқин воситалари орқали драмани “жонлантириши” ҳақида; Станиславскийнинг драма сахнавий талқин этилмаган яқунланмаган асар деган фикри ҳақида; Б. Шоу ёзилган сўз ва эшитилаётган сўз муносабатлари ҳақида; драма назариясига тарихий нуқтаи назардан қараш.

Хореография ва рақс санъати асослари рақс пайдо бўлиши; илк ўрта асрлар рақси; феодал муносабатлар ўрнатилиши даври рақс санъати; А. Темур ва Темурийлар даври рақс санъати; охириги ўрта асрлар даври ва XIX аср рақс санъати; XX аср биринчи ярми рақс санъати; 20 – 30 йилларда ўзбек саҳна рақси пайдо бўлиши; Ўзбекистонда 40 – 50 йилларда балет санъати шаклланиши ва ривожланиши; XX аср иккинчи ярмида балет санъати; 50 – 70 йилларда Навоий театри саҳнасида классик балетлар; замонавий классик балетлар; Навоий театри саҳнасида миллий балетлар; машҳур ўзбек балет артистлари; 50 – 90 йилларда Ўзбекистон рақс санъати: “Баҳор”, “Шодлик”, “Зарафшон”, “Лазги” ва бошқа рақс ансамбллари; машҳур раққосалар ижоди; замонавий саҳна рақси; 80 – 90 йилларда балет санъати; ўзбек санъатининг таниқли хореограф, балетмейстр ва балет артистлари;

Ҳиндистон рақс санъати; классик рақс; ибодатхона рақслари; халқ рақслари; Хитой рақс санъати: рақс пайдо бўлиши; маросим ва диний рақслар; Хитой пантомима – рақси; XX аср рақс санъати; Ғарбий Европада рақс санъати ва хореография; антик даври рақси; Европа балети юзага келиши; Италия ва Франция балет санъати; таниқли балетмейстр ва раққосалар; XX аср балет санъатининг асосий бадий йўналишлари; XX аср балет санъатининг таниқли хореограф, балетмейстр, балет артистлари; Россия хореографияси ва рақс санъати; халқ рақсини юзага келиши ва ривожланиши; XVII асрда балет ривожланиши; XVIII – XIX асрларда балет санъати: Ш. Дидло, М. Петипа ижоди; Россияда XX аср бошида балет санъати: М. Фокин, В. Нежинский, А. Павлова ижоди; Парижда рус мавсумлари; XX аср Россияда балет санъати; Ю. Григорович ижоди; таниқли хореографлар; рус балет театри усталари.

Халқаро муносабатлар ва маданий алоқалар халқаро алоқалар шаклланишининг умумий асослари; халқлар ва мамлакатлараро муносабатлар асосида маданий алоқаларнинг ўрнатилиши; халқаро муносабатлар шаклланиши ва маданий алоқаларнинг ўрнатилиши; мустақиллик даври Ўзбекистон халқаро алоқаларининг кенг кўламда йўлга қўйилиши ва олиб

борилиши; халқаро муносабатлар ва маданий алоқалар бўйича касб даражасида иш юритиш.

Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари; кадрлар тайёрлаш миллий модели; Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва педагогика фанининг вазифалари; Президент И. А. Каримов асарларида таълим тарбия масалалари; Педагогика методлари; ўзбек халқ педагогикаси: имкониятлар ва истиқболлар; Миллий истиқлол ғояси, миллий мафкурани тарбиялашда педагогиканинг имкониятлари; ҳозирги даврда ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни; тарбияда шахс ривожининг генетик, физиологик ва психологик асосларидан фойдаланиш; тарбия жараёни ва тарбия методлари; одоб, ахлоқ ва ҳуққ тарбияси; иймон, эътиқод, виждонни тарбиялаш; мустақил фикр ва ақл тарбияси; меҳнат, эстетика ва экологик тарбия; таълим функциялари ва тамойиллари; таълим методлари ва воситалари; таълимнинг ташкилий шакллари; таълим сифатларини аниқлаш ва рағбатлантириш; педагогик ғоялар тарихи ва таълим концепциялари; педагогик жараён ва мутахассислик, педагогик илмий – тадқиқот методлари; касбнинг таълим мазмуни, ўқув режалари, дастурларига талаблар; таълимда янги педагогик технологиялар; “Устоз шогирд” анъаналари; бошқарув педагогикаси ва ижтимоий педагогика асослари.

Умумий психология: предмети, объекти ва методлари; психологиянинг фанлар тизимидаги ўрни; психологик билимларнинг тараққиёт тарихи ва психологиянинг асосий йўналишлари; ҳозирги замон психологиясининг тузилиши ва унинг принциплари; индивид, шахс, субъект, индивидуаллик;

Психика ва организм; психика, ҳуққ-атвор ва фаолият; психиканинг асосий функциялари; флогенез ва антогенез жараёнида психиканинг ривожланиши; мия ва психика; психиканинг тузилиши; онглилик ва онгсизлик соҳасининг ўзаро муносабати; асосий психик жараёнлар;

Оннинг тузилиши (структураси); билиш жараёнлари; сезги, идрок, тасаввур, тафаккур ва интеллект (ақл); хаёл, диққат, хотира, ижодиёт; эмоция ва ҳис-туйғу; мулоқот ва нутқ, шахс психологияси; шахслараро муносабат; кичик гуруҳлар психологияси; гуруҳлараро муносабат ва ўзаро таъсирлар; фаолият ва ҳулқ-атворнинг психологик регуляцияси (бошқариш); фаолиятнинг психологик таҳлили; темперамент; характер; қобилият, касбий ижод психологияси; касбий ижод психологиясининг предмети ва методлари; шахсни шакллантиришда санъат асарларининг психологик хусусиятлар; шахс шаклланишида етакчи касбий – ижодий фаолият ва ижтимоий вазиятнинг роли; касбий ижод ва тарбиянинг психологик аспекти (томонлари). Бўлажак театршуносларни тайёрлашда семинарнинг бош вазифаси; меҳнаткашларнинг ғоявий, эстетик ва ахлоқий тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ўрни; мазкур муҳим ишда театр танқидчилигининг ўрни; Ўзбекистон Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари, шунингдек, республика театр санъатининг янада ривожлантиришга қаратилган тадбирлар; жамиятни гуманистик ривожлантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда драма назарияси асосларига таяниб, асарни ғоявий – бадиий таҳлил қилиш; ўзбек драматургияси тарихи; ўзбек драматургиясининг сара асарлари; ғоявийлик ва бадиийлик; асарнинг мавзуси, сюжети, тили; композиция; асар ғоясини очишда (ечимида) образларнинг ўрни; драматургик асарлар таҳлили бўйича талабалар билан амалий (ижодий, илмий, ташкилий) ишлар.

Жаҳон драматургияси ривожининг асосий этаплари ва адабий – бадиий оқимлари ривожланишининг асосий этаплари, жаҳон драматургиясининг сара асарлари; драматургик асарлар жанрлари ва уларнинг эволюцион ривожини;

Мустақил ишлар тайёрлашда махсус адабиётлардан фойдаланиш ўрни ва методологияси; пьесани спектаклга айланиш жараёни; актёр ишининг таҳлили; пьеса ва спектакль ўртасида умумийлик ва ўзига хослик; спектакль – мустақил бадиий асар; театр санъатининг мураккаб ва мустақил тури; театр турлари – умумийлик ва ўзига хослик; “роман –инсценировка – спектакль”

жараёнининг ўзига хослиги; замонавий театрда актёрнинг ўрни; замонавий театрда режиссёрнинг ўрни; замонавий театрда rassom, композитор, балетмейстер ва бошқаларнинг ўрни; пьесани спектаклга айлантириш жараёнини ўзлаштириш бўйича ҳар бир талаба билан алоҳида амалий ишлар;

Яхлит спектакль талқини ва таҳлили бўйича ишлаш; спектакль мустақил бадиий асар; пьеса концепцияси, режиссёр концепцияси, спектакль концепцияси; юқоридагиларнинг ҳар бирини ўрганиш бўйича амалий ишлар;

Бадиий образ ҳақида тушунча; бадиий образ ўзига хос хусусиятлари; сахнавий образ турлари; бадиий асар проблематикаси; ҳар бир талаба билан алоҳида амалий иш олиб бориш.

Режиссёр ишини оғзаки (ёзма) амалий таҳлил методологияси: режиссёр ва пьеса; режиссёр ва замоннинг долзарб муаммолари; режиссёрни ижодий шахс сифатида шаклланиш муаммолари; газета, журнал, аниқ тематика бўйича тўпламлар учун муаммоли мақолалар устида ишлаш.

Замонавий театр ва драматургиянинг муаммолари бўйича тадқиқот ишлари; ўзбек театр ва драматургиясининг айрим тарихий назарий муаммолари бўйича тадқиқот ишлари устида ишлаш.

Замонавий жамиятда теле радио ўрни ва аҳамияти; мустақиллик йилларида ўзбек теле радиоси; тижорий телевидение ва радио; радио диктор ва олиб борувчи; телевидение диктори ва олиб борувчиси; телевидение ва радиода томошабин ва тингловчиларга материалларни етказишни спецификаси ва ўзига хослиги; кўрсатув ва эшиттириш матни билан ишлаш диктор ва олиб борувчининг асосий вазифаси; диктор ва олиб борувчи фаолиятида умумийлик ва ўзига хослик; диктор ва олиб борувчи; журналист (санъатшунослик) – олиб борувчи давр талаби; радио ФМдаги радио бошловчилар.

Режиссура – театр, кино, телевидение ва радиода ягона, гармоник яхлит бадиий асарни яратиш санъати; режиссёрнинг актёр билан ижодий мулоқоти – режиссуранинг асосий методи сифатида; режиссёрнинг асосий вазифаси актёрни илҳомини уйғотиш ва ижодий изланишларни керакли ўзанга

йўналтира олиш; спектакль ёки кинофильм тайёрлаш жараёнида, шунингдек ижодий жамоаларда режиссёр ягона ижодий тарбиячи ва ташкилотчи эканлиги ҳақида; режиссёр спектакль муаллифи сифатида; актёр саҳнавий томошанинг бош иштирокчиси; пьеса ғояси ва фикрининг (замысл) актёр орқали томошабинга етиб бориши; кечинма санъати йўли билан ижодий ҳолатга кириш актёрлик маҳорати асоси; ўзаро ва теран ҳамкорликдаги мураккаб ижодий жараённинг икки томони сифатида ички ва ташқи кечинма тушунчаси; актёрлик санъатининг ифода воситалари: - фактура, овоздан фойдаланиш кўникмаси, сўз санъати, жисмоний ҳаракат, пластиклик ва бошқа; актёр санъатида сўз муҳим таъсир воситаси.

Саҳна асарининг режиссёрлик пьесани ҳиссий таассуротини таҳлил орқали текшириш; “ўзак” (зерно) ва спектаклнинг биринчи образи; асар фабуласи (пьеса, сценарий); асосий конфликт; асар (пьеса, сценарий) бош мавзуси, муаллиф бош ғояси, яъни пьесанинг бадиий ғояси; асар (пьеса, сценарий) жанри; асарнинг (пьеса, сценарий) ҳаётий асослари; муаллиф ижодининг йўналиши ва характери, умуман, мазкур асарни унинг ижодидаги ўрни; спектакль мўлжалланган томошабин учун пьеса мазмунининг долзарблиги;

Режиссура тарихи ва назарияси. режиссурани юзага келиши; антик театрда спектаклларни саҳналаштириш; ўрта асрларда томошани саҳналаштириш; уйғониш даврида профессионал театрнинг шаклланиши; классицизм даврида театр постановкалари; Мольер театри; маърифатпарварлик даврида театр ислохотлари; XIX аср биринчи ярмида Европа театри режиссураси; XIX – XX асрларда Европа театрида режиссёрлик санъати; XX аср биринчи ярмида Европа театри режиссёрлиги; XX аср иккинчи ярмида Европа театри режиссёрлиги; XIX аср охири XX аср бошларида рус театрида режиссёрлик санъати; К. Станиславскийнинг театр системаси; XX аср иккинчи ярмида рус театрида режиссёрлик санъати; XX аср биринчи ярмида ўзбек театрида режиссёрлик санъати; XX аср иккинчи

ярмида ўзбек театрида режиссёрлик санъати; Мустақиллик йилларида ўзбек театрида режиссура

Сценография тарихи ва назарияси театр декорацион санъат ўчоқлари; сценографиянинг антик моделлари; ўрта асрлар даврида декорация санъати; XV – XVI асрларда италян сценографияси; XVII аср Барокко стилидаги декорацион санъат; Шекспир ўтмишдошлари ва замонида театр декорацион санъати; Рококо декорацион санъати юзага келиши; романтизм даврида театр декорацияси; XIX – XX асрларда хорижий театр декорацион санъати; XX асрнинг 20 – 80 йилларида Ўзбекистон театр декорацион санъати; замонавий ўзбек сценографияси; ўзбек сценографиясининг йирик вакиллари.

Санъат ва унинг турлари; ифода воситалари; тасвирлаш объектлари; ҳаётийлик, ҳаққонийлик ва бадийлик тушунчалари; санъат арбоби, санъатшунос, уста, маҳорат тушунчалари;

драматургия (пьеса, сценарий, либретто); драма, драматург, оғзаки драма, инсценировка ва бошқа тушунчалар; театр, халқ театри, анъанавий театр; теле радио театр, театр студия ва бошқа тушунчалар; кино, теле радио, мусиқа, тасвирий санъат, хореография ва рақс тушунчалари;

атамалар ва тушунчалар моҳияти: масҳарабоз, қизиқчи, актёр, режиссёр; рассом, декорация, сахна безаги, сахна кийими; сахна либоси; грим, бутафория, чироқ, ранг; раққос, раққоса, хореограф, балетмейстер; мусиқачи, дирижёр, композитор, бастакор тушунчалари;

вокал, вокал ижроси, анъанавий ижро, оркестр, ансамбль, торли оркестр, пуфлама оркестр, гармония, полифония, оранжеровка ва бошқа тушунчалар;

тушунчалар: талқин, табдил; ифода; таҳлил, таркибий қисмларга бўлиб таҳлил қилиш ва бошқа;

мавзу тушунчаси; ижтимоий, ижтимоий ҳаёт, бадий асар ижтимоий сифатлари, маънавий ва маърифат тушунчалари моҳияти: бадий асарни маънавий ва маърифий сифатлари;

ғоя тушунчаси моҳияти: ғоявийлик, бадий асар ғоявийлиги;

бадий асарда мавзу; бадий асарларда мавзунни аниқлаш; турли санъат турларида мавзунни ифодалаш усуллари;

бадий асарнинг жозибали, сеҳрли элементлари: ҳаётийлик, ҳаётий ҳақиқат, ҳодисавийлиги, интрига, таъсирчанлиги, нафис ва гўзаллиги ёки аксинча ўткир, даҳшатли “портлашлар”, кутилмаган бурилишлар, бадий асарда сюжет, санъатнинг турларида сюжетни аниқлаш;

бадий асарда сюжет тузилиши; бошланғич воқеа; биринчи воқеа; марказий воқеа; финал воқеаси;

амалий машғулот: мавзу, ғоя, сюжет ва воқеалар тизими (олий мақсад ва тўғри ҳаракат) бўйича таҳлил учун ўзбек драматурглар асарларини ўқиш, ўзбек рассомлари, рақс жамоалари, спектаклларни кўриш, маълум бадий асар бўйича таҳлилий ишлар (блицлар) ёзиш бўйича яқка дарслар;

Санъатни асосий турларининг асосий бадий – эстетик, ташкилий ижро сифатларини ўрганишни давом эттириш; унинг ҳар бирига ўзига хос санъатшунослик ёндашуви; мавзу, сюжет, ғоя ёзиш спецификаси ҳақида, санъат турларининг алоҳида бир турида бадий асарни ифода воситалари, музей, кўргазмаларга бориш бўйича амалий машғулотлар; театрлар, концерт заллари, бадий ва ҳужжатли кино ва видео фильмлар кўриш, классик ва замонавий мусиқа тинглаш, санъатшунослик ёзма ижод маҳоратини чархлаш бўйича яқка машғулотлар.

Драматургик, театр, кино ва телевизион, хореографик, рақс, мусиқа, тасвирий ва бошқа асарларни ғоявий – бадий таҳлили; уларни асосида ОАВ учун турли жанрларда публицистик асарлар яратиш: тақриз, ижодий портрет, кузатиш, кенгайтирилган муаммоли мақолалар, репортажлар, интервьюлар ва бошқа; ОАВ электрон турлари билан ҳамкорлик: турли жанрлардаги кўрсатувларга сценарийлар яратиш, мазкур кўрсатувлар тайёрланишида бевосита иштирок этиш; келгусида битирув малакавий иши яратиш мақсадида санъатнинг маълум бир туридан илмий тадқиқот ишини олиб бориш.

Томошабинлар ва муштарийлар фикрини ўрганиш асослари: жамият ва санъат ўртасида санъат социологиясини детерминистик функциялари; санъат

социологиясини тадқиқ қилувчи, таҳлил қилувчи ва умумлаштирувчи функциялари; санъат фаолият кўрсатиши ва ривожининг ижтимоий қонуниятлари; санъат асарларини туғилиши ва жамиятга таъсир этишидаги ижтимоий қонуниятлар, ифода шакллари; жамиятнинг турли табақаларини эстетик эҳтиёжлари ва санъатнинг таклифлари ўртасидагир алоқалар; санъатни замонавий ҳолатини ўрганишда умумсоциологик (жамият фикрини ўрганиш – анкета, конференция, семинарлар, кўриклар ва ш. ў.) методологияни қўллаш усуллари.

Санъатшунослик журналистикаси атамаси ва предмети санъатшунослик журналистикаси фани шаклланиши ва ривожланишининг асосий этаплари; санъатшунослик журналистикасининг қадимги илдизлари; XI – XIII асрларда маданий – маърифий жараён ҳақида маълумотлар – миллий журналистика илдизлари; XIV – XIX асрларда санъат турлари; манбашуносликни юзага келиши санъатшунослик журналистикаси тараққиётида янги босқич сифатида; Зокиржон Фурқат биринчи санъатшунос журналист; XX аср бошларида ўзбек прогрессив - илғор матбуотида санъат ҳақида ахборотлар; октябрь тўнтаришидан (1917) мустақилликкача санъат ҳаётини ўзбек журналистикасида ёритиш: муаммолар, тенденциялар; мустақиллик йилларида санъатшунослик журналистикаси.

Мамлакат бадий – танқидий жараёнида санъатшунослик журналистикасининг ўрни ва аҳамияти; назарий, маданий – маънавий, фуқаролик, ватанпарварлик тайёргарлик – санъатшунос журналист касбий маҳорати асоси; ОАВда санъат турлари таҳлили ва тарғиботи шакллари, жанрлари, методологияси; санъатшунос журналист кадрларини тайёрлашнинг ютуқлари ва муаммолари.

Тележурналистиканинг специфик ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари; телевидениени юзага келиши; Ўзбекистонда телевидение ривожланиш босқичлари; тележурналистика жанрлари, телевизион атамалар ҳақида тушунча; телевидениеда репортаж ва унинг турлари; интервью, унинг турлари ва хусусиятлари; сценарий ва “монтаж варағи” ҳақида тушунча;

телевидениеда ахборот; теле лавҳа ва унинг режиссураси; информацион репортаж сценарийси ва монтаж варагининг ўзига хослиги; монтаж, телемонтаж турлари ва қоидалари; кадрда ишлаш қонунлари, телекўрсатув олиб борувчисининг маҳорати; телевидениеда формат тушунчаси; телевидениеда дастурлаш тамойиллари; трансляция; телевидениеда ишлаб чиқариш иши, кўрсатувни эфирга тайёрлаш жараёнини лойиҳалаш; телевидениени репродуктив ва рекреатив ўзига хослиги; шов – шув ва шоунинг самараси, PR тушунчаси, тижорий телевидение; мустақил ишлар.

Радио тарихи ва радио журналистика, радио интервью, радио репортаж (воқеий, муаммоли), радио шарҳ, радио суҳбат (ижтимоий – сиёсий, иқтисодий, фан, маданият ва санъат ҳақида); радио ҳисобот, радио очеркни (ижодий портрет, йўл хабарлари, муаммоли) олиб бориш; радио фельетон; радио тилнинг ўзига хослиги; хорижий давлатлар учун эшиттиришлар.

Телерадио бошловчилик маҳорати: замонавий жамиятда телерадио ўрни ва аҳамияти; мустақиллик йилларида ўзбек теле радиоси; тижорий телевидение ва радио; радио диктор ва олиб борувчи; телевидение диктори ва олиб борувчиси; телевидение ва радиода томошабин ва тингловчиларга материалларни етказишни спецификаси ва ўзига хослиги; кўрсатув ва эшиттириш матни билан ишлаш диктор ва олиб борувчининг асосий вазифаси; диктор ва олиб борувчи фаолиятида умумийлик ва ўзига хослик; диктор ва олиб борувчи; журналист (санъатшунослик) – олиб борувчи давр талаби; радио ФМдаги радио бошловчилар.

Назорат саволари

1. Америка Қўшма Штатларида кино ва театр мутахассислари қандай ўқитилади?
2. Танлов таълими ва кредит системаси нима?
3. Ҳиндистон киноиндустрияси мутахассислари қандай тайёрланади?
4. Арт хаус, мейнстрим, муаллифлик киноси тушунчалари ҳақида нималар биласиз?

5. Кино санъати ва кино саноати: умумийлик ва ўзига хосликлари борасида мулоҳазаларингиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. М.Бехбудий. Танланган асарлар. Тошкент –Маънавият, 2006.
2. А.Авлоний. Танланган асарлар.Тошкент –Маънавият, 2006.
3. Исмоилов Э. Маннон Уйғур.Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т.1983.
4. Раҳмонов М. Ҳамза. (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи.) Биринчи китоб (1914 – 1960 йиллар). – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
5. Раҳмонов М., Тўлахўжаева М. Т., Мухторов И. А. Ўзбек миллий академик драма театритарихи. – Т., 2003.
6. Қодиров М. Ўзбек театри тарихи.Ижод дунёси нашриёт уйи, Т: 2003Турсунбоев С. Театр тарихи. – Т.: Билим, 2005.
7. Тўлахўжаева М. Театр танқидчилиги. “Санъат” журнали нашриёти,Т; 2015.

3-мавзу. Санъатшуносликнинг ривожланиш тенденциялари


Режа:

- 3.1. Санъатшуносликда замонавий тенденцияларнинг намоён бўлиши.
- 3.2. Санъатнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрни.
- 3.3. Санъатшунослик фанининг олий таълим тизимидаги ўрни.

Таянч иборалар: санъат, тенденция, эҳтиёж, талаб, концепция, контингент, томошабин аудиторияси.

3.1. Санъатшуносликда замонавий тенденцияларнинг намоён бўлиши.

Санъатшуносликнинг замонавий тенденциялари бугунги кун амалиётида янги тушунча эмас, балки аллақачон, санъатшуносликнинг долзарб масалаларидан бирига айланиб улгурган. Санъатшуносликнинг замон билан ҳамнафас шаклланишда давом этиб келаётган йўналиш ва тенденцияларини таҳлил қилиш орқали, хозирга замон санъатларининг мазмун моҳияти ва тараққиёт омилларини аниқлаш мумкин.



Мавзуни ёритиш мобайнида бир қатор миллий адабиётлар биан ёнма-ён, “Театр танқидчилиги. Журналистика санъатидан дарслик” хорижий адабиёт материалларидан ҳам фойдаланилади. Унда АҚШ санъат журналистикаси тарихи, тадрижий ривожланиши ҳамда истикболи билан боғлиқ бўлган жараёнлар, кузатувлар, тасаввурий ва қизиқарли мақолалар тадқиқ этилади.

Театрдаги постановкалар томошабинларни ўзига жалб қилиш учун эстетик ҳамда маҳоратнинг ўзаро уйғунлиги асосида изчил ишлаб чиқаришни ифодалаш керак. Журналистика санъатининг барча шаклларида иштирок этиш учун ушбу қўлланмада танқидий фикрлаш ҳамда танқидчилик кўникмаларини ошириш воситалари киритилган. Ушбу китоб танқидчилик, журналистика соҳасида фаолият олиб боришни хоҳлаган ёки ўз устида, ушбу соҳада чуқур малака касб этишни истовчилар ҳамда театр танқидчилиги ва журналистика санъати йўналишида таҳсил олувчи коллеж талабаларига мўлжалланган. Қўлланма жуда қулай тарзда замонавий жараёнларни ўзида

мужассам этган ҳолда, мавзуларни батафсил ва мухтасар ифодалаган тарзда мисоллар билан бойитилиб нашр этилган”³.

Шу билан ушбу қўлланма санъатшуносликда маркетинг талабни кондиришга қаратилган фаолият ва маркетингини талаб мақсадини, шу билан бирга керакли маркетинг стратегиясини танлашга имкон беради. Бир неча талаб даражасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. “Санъатшунослик назарияси ва амалиёти эволюцияси. Филип Котлер санъат соҳасига тааллуқли тарафдорларидан биринчиси бўлиб, санъат соҳасидаги ташкилотлар “маданий маҳсулот” ишлаб чиқади, ҳамда санъат истеъмолчилари диққат-эътиборини жалб этиш ва миллий ресурсларни тақсимлашда бир бири билан рақобатлашади, деган фикрни олға сурган (Котлер, 1975). Кейинчалик эса илмий тадқиқотчилари бадиий эҳтиёжлари остида шаклланган ижодий ифодани мажбур қилиши оқибатида вужудга келадиган тангликларни ўргана бошлаганлар”⁴.

Санъатшуносликнинг ўзига хос қирралари, ривожланиш тенденциялари унинг субъект ва объектларидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Субъектларига санъат маҳсули яратувчилари, воситачилар ва истеъмолчилар кирса, объектларини эса санъат маҳсули, ташкилотлар, шахслар ташкил этади. Айнан хорижий манбаларни ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш орқали санъатшуносликнинг бугунги қиёфаси, ривожланиш тамойиллари ва истиқболи ўрганилади.

Қадимги Юнонистонда буюк фожеавий шоирлар асарларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилиш – “Шоҳ Эдип”, “Электра”, “Антигона”, “Медея”; қадимги Рим драматургияси; Плавт драматургияси; қадимги Римда театр бинолари ва сахна санъати; Уйғониш даври италян театри: “комеди дел арте”; К. Марло драматургияси; Лопе де Вега драматургияси хусусиятлари ва ўзига хослиги: унинг асосий пьесаларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил

³Bob Abelman and Cheryl Kushner
 ATheater Criticism/Arts Journalism Primer: Refereeing the Muses

қилиш; Шекспир асарларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилиш; унинг драматургиясидаги қуйидаги хусусиятларни аниқлаш ва очиш: мавзу, ғоя, характер, конфликт, композиция, жанр; “Глобус” театри;

Француз классицизми театри: П. Корнель ва Мольер пьесаларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилиш: мавзу, ғоя, образлар тавсифи; классицизм ижро принциплари; Д. Дидро ва унинг “Актёрлик ҳақида парадокс” рисоласи;

Англиянинг бош театри – Друри Лейн театри; Д. Гаррикнинг актёрлик ва режиссёрлик фаолияти; Бомарше, Ф. Шиллер, К. Голдони, К. Гоцци пьесаларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилиш: сюжет қурилиши, конфликтлар, характерлар композиция; француз актёрлик санъатида Мари Дюминил, Ипполита Клерон ва Анри Луи Лекеннинг ўрни; Гюго назарий ишларининг таҳлили (“Кромвел”га кириш сўзи); Ф. Тальма, Ф. Леметр – буюк француз актёрлари; О. Бальзак, Байрон, К. Гуцков пьесаларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилиш; Э. Кин – буюк инглиз актёри; Э. Золянинг “Театрда натурализм” мақоласи; “Комеди Франсез” театри; Сара Бернар – буюк француз актрисаси; А. Антуан – профессионал режиссура асосчиларидан бири эканлиги; А. Стридбергнинг “Замонавий драма ҳақида ва замонавий театр ҳақида” рисоласи; икки аср оралиғида хорижий драматургия йўналишлари – романтизм, символизм, натурализм, танқидий реализм ҳақида маърузалар; Э. Золя, Э. Ростан, М. Метерлинк; Г. Ибсен; А. Стридберг; Г. Гауптман пьесалари таҳлили.

Мейнингемчилар театри. М. Рейнхардт буюк немис режиссёри; Т. Салвини буюк итальян актёри; Э. Дузе – буюк итальян актрисаси; таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилишга: Ж. Ануй; Ж. Сартр, О. Уайльд; Б. Шоу, Д. Осборн, Б. Брехт, Л. Пиронделло, Э. де. Филиппо, Ю. Нил, Т. Уильямс, Э. Ольби; инглиз режиссёр ва актёри Г. Ирвинг ва “Лицеум” театри; буюк инглиз режиссёри Г. Крэг; “Олд Вик” театри; буюк инглиз актёрлари Л. Оливье ва Ж. Гилгуд; Б. Брехт ва эпик театри; Б. Брехт ва “Берлин ансамбли” театри; Е. Вайгель буюк немис актрисаси; француз абсурд театри ва Ионеско, С. Беккет

драматургияси; П. Брук – буюк инглиз режиссёри; Ж. Стрелер – буюк итальян режиссёри; рус драматурглари А. Пушкин, А. Чехов, Л. Толстой, А. Арбузов, В. Розов, А. Володин, Э. Радзинский, А. Вампилов пьесаларини таркибий бўлакларга бўлиб таҳлил ва муҳокама қилиш; рус режиссёрлик йўналишларини ўрганиш: А. Островскийнинг режиссёрлик ўйлари; Ленскийнинг режиссёрлик уринишлари; К. Станиславский – буюк актёр ва режиссёр; Немирович – Данченко – буюк актёр ва режиссёр; Мейерхольд – буюк актёр ва режиссёр; А. Таиров – буюк рус режиссёри; Вахтангов – буюк режиссёр; Ю. Завадский – буюк актёр ва режиссёр; С. Михоэльс – буюк актёр ва режиссёр; Г. Товстоногов – буюк рус режиссёри; Р. Симонов – буюк актёр ва режиссёр; К. Марженов – буюк актёр ва режиссёр; А. Попов – буюк актёр ва режиссёр; М. Захаров – буюк рус режиссёри; О. Ефремов – буюк актёр ва режиссёр; О. Ефремов ва “Современник” театри; О. Ефремов ва МХАТ театри; Ю. Любимов ва Таганкадаги театр; А. Эфрос ва Малий Броннийдаги театр; Г. Волчек ва “Современник” театри; озарбайжон театри буюк режиссёр ва актёрлари; татар театри буюк режиссёр ва актёрлари; қозоқ театри буюк режиссёр ва актёрлари; қирғиз театри буюк режиссёр ва актёрлари; тожик театри буюк режиссёр ва актёрлари; туркман театри буюк режиссёр ва актёрлари. Радиоспектаклларга актёрлар танлаш; ўзбек радиотеатри режиссёрлари: Н. Дўстхўжаев, Д. Шокиров, Ж. Тошхўжаев, Шариф Қаюмов ва бошқалар;

Теле театр, бадий кўрсатувлар – теледастур асоси, телевидениеда муаллиф ўрни; телерадио режиссёр функцияси; телевидениеда режиссёр ва расом ҳамкорлиги; бадий кўрсатувда телеоператор ўрни; театр спектакллари ва концерт дастурларини тўғридан – тўғри трансляцияси; спектакллари ёзиш ва монтаж; телетеатр юзага келиши; телевидениеда бир актёр театри (У. Бурҳонов, М. Ҳамидов); телеминиатюралар театри (тўғридан – тўғри кўрсатув); телетеатр адабий материали; телетеатрнинг ўзига хос хусусиятлари; телетеатр ва кинофильмнинг умумий ва ўзига хослиги; бадий асар инсценировкаси; сценарий муаллифи ва муҳаррир; теле театр учун

ёзилган махсус сценарий; теле театрда актёр; телевиденида мизансаҳналар санъати; электрон монтаж; телесериаллар ва замонавий ўзбек телесериали.

А. Фитрат “Темур сағанаси” ва унинг саҳнавий талқини; Ҳамза ва М. Уйғурнинг театр ташкилотчилик фаолияти; ўзбек муסיқали театрнинг юзага келиши ва биринчи қадамлари; 20 йилларда ўзбек театр режиссураси; 20 йилларда актёрлик санъати; 30 – 50 йилларда ўзбек театри; драматургия, режиссёрлик ва актёрлик санъати; ўзбек саҳнасида хориж классикаси талқини; 60 – 80 йилларда ўзбек театри: ўзбек саҳнасида анъана ва трансформация муаммолари: М. Уйғур, Е. Бобожонов, Ж. Обидов, А. Гинзбург, Р. Ҳамроев, Н. Ладигин, Т. Хўжаев, Э. Масафаев, Б. Йўлдошев, Р. Ҳамидов, О. Салимов, Н. Абдурахмонов ва бошқалар ижоди.

Мустақиллик даврида ўзбек театри ва драматургияси тарихий мавзуда изланишлар, замонавий мавзуларда изланишлар, мустақиллик даврида Н. Абдурахмонов театри, мустақиллик даврида “Илҳом” театри; мустақиллик даврида Ўзбекистон кўғирчоқ театри тармоқларининг кенгайиши; вилоят театрлари тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари; Ўзбекистон миллий академик драма театри; янги ечим ва талқин изланишлари; Т. Азизов режиссураси ва фольклор театри бошланиши ва муваффақияти; Миллий театрда таклиф қилинган режиссёрлар ижоди; мустақиллик даврида В. Умаров ижодий фаолияти; Драматургия: С. Имомов, Ҳ. Расул, С. Сирожиддинов, Э. Хушвақтов, Х. Хурсандов ва бошқалар.

Замонавий ўзбек драматургияси ва театрнинг долзарб муаммолари: XX асрда ўзбек драматургияси ва театрнинг ривожланиш муаммолари; ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан мустақиллик даврида драматургия ва театр; прогрессив изланишларга ўзбек театрининг очиклиги; мустақиллик даврида ўзбек драматургияси тараққиётининг ўзига хос шакллари; бозор иқтисодиёти ва театр санъати; охириги йиллардаги театр кўриклари, фестиваллар; Ўзбекистон Президентининг республика театрларини ривожлантириш ҳақидаги 26 март 1998 йилдаги фармони аҳамияти; мустақиллик даврида театр танқидчилиги; театр ва репертуар; театр ва ОАВ; спектакль бадий

яхлитлиги муаммолари; драматургик жанрлар муаммолари; ўзбек режиссура ва драматургиясида анъаналар ва трансформация муаммолари; театр, томошабин ва молиявий натижалар; болалар ва ўсмирлар театри ва драматургия: ютуқ ва муаммолар; бадий ва мусиқий ечим муаммолари; мюзикл ривожланиши муаммолари; актёрларнинг рол ечимида эстетик ахлоқий муаммолари; “кечинма санъати” ва “намойиш санъати” ўртасидаги баҳснинг давом этиши; мустақил ривожланган Ўзбекистонда санъат, шулардан театрнинг узлуксиз ривожланаётганлиги;

Театр, умуман санъат ва маданият бўйича қонунчилик асослари; ташкилотларнинг фаолиятидаги ташкилий – бошқарув ва иқтисодий хусусиятлар; ҳуқуқ ва меҳнатни илмий ташкил қилиш асослари; театрнинг ташкилий тизими ва таркибий бўлинмалари; ижодий ва ишлаб чиқариш жараёнларини яхлитликда ташкил этиш; театр фаолиятини режалаштириш; жорий репертуар прокатини режалаштириш ва ташкиллаштириш; театрни молиялаштириш ва таъминот масалалари; меҳнатни ташкиллаштириш ва рағбатлантириш; тарғибот, ахборот ва реклама фаолияти.

Ўзбекистон журналистлари уюшмаси; ахборот манбаларининг тузилиши ва ҳуқуқий асослар; журналист ахлоқи ва хулқи; матбуотнинг асосий функциялари; публицистика жанрлари; корреспонденция, очик хат, хабар, ахборот, памфлет, пародия, эпиграмма, очерк, муаммоли мақола ва бошқалар.

Муҳаррирлик фаолияти: муҳаррирга қўйиладиган асосий талаблар газета муҳаррири ва унинг мажбуриятлари; санъат соҳасини ёритувчи газеталар муҳаррирлари фаолияти; журнал муҳаррири мажбуриятлари; санъат соҳасини ёритувчи муҳаррир мажбуриятлари; радио муҳаррир кўрсатувлари ва унинг мажбуриятлари; санъат соҳасини ёритувчи радио муҳаррирлар мажбуриятлари; телекўрсатув муҳаррирларининг асосий мажбуриятлари; санъат бўйича кўрсатувлар муҳаррирларининг мажбуриятлари; нашриёт муҳаррирларининг мажбуриятлари; нашриётларнинг санъат бўлимлари муҳаррирлари мажбуриятлари.

Ноширлик иши: 1868 йили Туркистонда китоб нашриёти ва босмахона юзага келиши; Ўрта Осиёда китоб нашр қилиш ва тарқатишда тошбосмани ўрни ва аҳамияти;

Ўзбекистонда ноширлик иши юзага келиши ва ривожланиши; ноширлик ишини замонавий ҳолати; Республиканинг асосий нашриётлар фаолияти; “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, Ғ. Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти; “Чўлпон” болалар ва ўсмирлар нашриёти; “Ўзбекистон” ижтимоий – сиёсий адабиётлар нашриёти; “Ўқитувчи” (дарслик ва ўқув қўлланмалар) нашриёти ва бошқа; ўзбек китоб ноширлигида машҳур арбоблар: Ж. Шарипов, Р. Ғафуров, С. Орзуметов; В. Валиев, М. Иброҳимов, Н. Хотамов, С. Юнусов, А. Мирзаев, Ҳ. Ғулум, Ойбек, Ҳ. Олимжон, М. Норматов ва бошқалар.

“Ўқитувчи”, Ғ. Ғулум номидаги адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари мисолида нашриёт ва унинг муҳарририятлари: нашриёт режаси; нашриёт режасини тузишда маркетинг тадқиқотлари; бозор иқтисодиёти шароитларида нашриётлар фаолияти; нашриётлар тузилмаси (структураси); нашриёт директори ва унинг мажбуриятлари; нашриёт бош муҳаррири; нашриёт бўлим муҳаррири; ишлаб чиқариш бўлими; қўлёзма устида муаллифни ишлаш жараёни; қўлёзма устида нашриёт муҳарририятлари ишлаш жараёни; нашриётда рассом, техник муҳаррир ва китоб нашр қилишдаги бошқа иштирокчилар; нашриётда компьютер технологияси, компьютер графикаси; китоб нашр қилиш жараёни; китобхонлар билан алоқалар ва нашриётлар фаолияти юзасидан социологик тадқиқотлар.

Режиссёрлик ва актёрлик санъати асослари ягона, гармоник яхлит бадиий асарни яратиш санъати; режиссёрнинг актёр билан ижодий мулоқоти – режиссуранинг асосий методи сифатида; режиссёрнинг асосий вазифаси актёрни илҳомини уйғотиш ва ижодий изланишларни керакли ўзганга йўналтира олиш; спектакль ёки кинофильм тайёрлаш жараёнида, шунингдек ижодий жамоаларда режиссёр ягона ижодий тарбиячи ва ташкилотчи эканлиги ҳақида; режиссёр спектакль муаллифи сифатида; актёр сахнавий томошанинг бош иштирокчиси; пьеса ғояси ва фикрининг (замысл) актёр

орқали томошабинга етиб бориши; кечинма санъати йўли билан ижодий ҳолатга кириш актёрлик маҳорати асоси; ўзаро ва теран ҳамкорликдаги мураккаб ижодий жараённинг икки томони сифатида ички ва ташқи кечинма тушунчаси; актёрлик санъатининг ифода воситалари: - фактура, овоздан фойдаланиш кўникмаси, сўз санъати, жисмоний ҳаракат, пластиклик ва бошқа. Актёр санъатида сўз муҳим таъсир воситаси.

Кино ва телерадио монтаж тарихи; телевизион сигнал; стандартлар ва системалар; монтаж техникалари; монтаж қоғозини тайёрлаш; монтаж жараёни; суҳандон матнини ёзиш; муסיқани ёзиш; титр ёзиш; электрон ва бошқа эффектлар, безаклар; компьютер графикасида монтаж.

XIX– XX асрларда хорижда Европа драмаси; XIX аср охири XX аср бошларида Европада сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт тараққиётининг ўзига хослиги; Францияда драматургия ривожланишининг тенденциялари; скандинав мамлакатлари драматургиясининг ривожланиш йўналишлари; Германия драматургиясининг ривожланиш тенденциялари; XX асрда Европа ва АҚШ драматургияси; XX аср драматургиясида бадиий оқимлар, Францияда фалсафий – интеллектуал драма ғояларининг пайдо бўлиши; Англия драматургиясининг асосий ривожланиш йўналишлари; немис драматургиясининг асосий ривожланиш йўналишлари; италян драматургиясининг асосий ривожланиш йўналишлари; АҚШ драматургияси;

XVIII – XIX асрлар рус драматургияси: рус драматургияси ривожланишининг асосий йўналишлари; XX аср рус драматургияси ва унинг ривожидиги асосий йўналишлар; ўзбек драматургияси: юзага келишидан 90 йилларгача, мустақиллик даври драматургияси ва унинг асосий ўзига хосликлари;

Драматургия тарихидан: қадимги Юнонистонда буюк фожей шoirлар асарларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилиш – “Шоҳ Эдип”, “Электра”, “Антигона”, “Медея”; Лопе де Вега драматургияси хусусиятлари ва ўзига хослиги: унинг асосий пьесаларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилиш; Шекспир асарларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил

қилиш; унинг драматургиясидаги қуйидаги хусусиятларни аниқлаш ва очиш: мавзу, ғоя, характер, конфликт, композиция, жанр; Мольер пьесаларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилиш: мавзу, ғоя, образлар тавсифи; Бомарше, Ф. Шиллер, К. Голдони, К. Гоцци пьесаларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилиш: сюжет қурилиши, конфликтлар, характерлар композиция; Гюго назарий ишларининг таҳлили; О. Бальзак, Байрон К. Гуцков пьесаларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилиш; Э. Золянинг “Театрда натурализм” мақоласи; А. Стридбергнинг “Замонавий драма ҳақида ва замонавий театр ҳақида” рисоласи; икки аср оралиғида хорижий драматургия йўналишлари – романтизм, символизм, натурализм, танқидий реализм ҳақида маърузалар; Э. Золя, Э. Ростан, М. Метерлинк; Г. Ибсен; А. Стридберг; Г. Гауптман пьесалари таҳлили; таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил қилишга: Ж. Ануй; Ж. Сартр, О. Уайльд; Б. Шоу, Д. Осборн, Б. Брехт, Л. Пиронделло, Э. де. Филиппо, Ю. О’Нил, Т. Уильямс, Э. Ольби, рус драматурглари А. Пушкин, А. Чехов, Л. Толстой, А. Арбузов, В. Розов, А. Володин, Э. Радзинский, А. Вампилов пьесаларини таркибий бўлақларга бўлиб таҳлил ва муҳокама қилиш.

Фитратни “Абулфайзхон”, Уйғун ва И. Султонни “Алишер Навоий”, Шайхзодани “Мирзо Улуғбек”, Ҳ. Олимжонни “Муқанна” каби ўзбек драматургиясининг энг сара асарларни таҳлил қилиш.

3.2. Санъатнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрни.

Жамият ривожини ва маънавий ҳаётида санъатнинг ўрни ва санъаткор масъулияти масалалари. Ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бўлган маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг мазмун-моҳияти.

Санъатда юз бераётган жараёнларни назорат қилиш; санъатнинг барча тараққиёт даври ва ижодий йўналишлардаги турли хил жанр, шакл ва услубларини малакавий асосда фарқлаш; турли хил санъат воқеликларини таҳлил этиш ва умумлаштириш; санъат воқеликларига бадиий-эстетик баҳо бера олиш; ахборотни йиғиш, тизимлаш, умумлаштириш ва фойдаланиш

хамда ихтисослик бўйича илмий-тадқиқий изланишлар олиб бориш, мутахассисликка оид матнларни, барча турдаги санъат асарларини таҳрир қилиш ва уларга тақриз бериш; адабий манбани сахна асарига айланиш масаласи: режиссёрлик талқини, актёр ижроси, синтез, мавзу, ғоя ечими масалаларини оғзаки ва ёзма таҳлил қилишда замонавий ёндашув ва тамойиллар. Бунда бошқа гуманитар фанлар ва санъатшунослик соҳасидаги ўзгариш ва тенденциялар, уларнинг турлари, хиллари ҳамда ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда соҳанинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга тизимли ёндашувни назарда тутиш.

Санъатнинг барча турлари инсон маънавияти ва тафаккурининг камол топишига хизмат қилади. Бунда, ҳар қандай санъат асарининг бош қаҳрамони бўлмиш, инсон омили устуворлик қилади. Худди шу нуқтаи назардан, ҳар қандай бадиий асар инсон руҳияти ва дунёқарашига кучли таъсир ўтказа олиши билан жамият ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давр ўз санъати ва санъаткорларини яратади ва улар ўз даврига хизмат қиладилар. Ўзбекистон Мустақил давлат деб эълон қилинган, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб эълон қилинди. Шу даврдан бошлаб, миллий қадриятларимизга таянган, менталитетимизга хос миллий маданиятимиз ва санъатимизни шакллантириш, тараққий эттириш, тарғиб қилиш ва жаҳонга олиб чиқиш ҳаракатлари бошланди. Бунда асосий эътибор халқимиз, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий етук, ҳар томонлама - ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлод бўлиб камолга етишлари йўлида хизмат қиладиган прогрессив ғояларни ўзида мужассам қилган бадиий баркамол санъат асарларини яратишга қаратилади. Шу билан бирга, ёшларимиз онгини захарловчи, миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ёт бўлган, бузғунчи ғоялар сингдирилган оммавий маданият унсурларининг кириб келишини олдини олиш вазифаси ҳам замонамизнинг энг долзарб, глобал муаммоларидан бўлиб қолди. Ёшларимиз дунёқарашини издан чиқарувчи асарларнинг пайдо бўлиши ва тарғиб қилинишини тўхтатиш ва олдини

олишда айниқса санъатшунос мутахассисларнинг фуқаролик бурчи ва масъулияти юқори эканлиги айна ҳақиқатдир.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-В1-В2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш. Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим оловчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим

технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информაციон, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

Санъат – инсоният бадий фалсафий тафаккурининг мевасидир. Шу боис унга бўлган инсон эҳтиёжи асло сўнмайди. Инсоният маданий тараққиёти замондан замонга қараб ўсиб, ривожланиб борар экан, санъатга бўлган эҳтиёж ҳам шунга монанд муттасил ўсиб боради. Замон тақозоси ва талаби сифатида янги турлар, янги жанрлар пайдо бўлаверади. Санъаткор бадий тафаккурига, ижро маҳоратига, санъатнинг бадий-фалсафий, ижтимоий-тарбиявий асосларига бўлган талаблар ҳам муттасил ўсиб бораверади. Иккинчидан, санъат мухлисларининг, демакки, кенг халқ оммасининг санъатдан бадий-

эстетик завқ олишга интилиши асносида унинг санъат турлари хусусиятларини англашга, санъаткорлар ҳаёти, ижоди, маҳоратларининг ўзига хос томонларини, имконият даражаларини, санъатлар тараққиёти жараёнларидаги ютуқли ва муаммоли томонларини билишга интилиши азалдан юксак даражада бўлган. Шу боис, бугунги ахборот-коммуникатив имкониятлар ошган, глобаллашув жадаллашган бир шароитда бу масала янада ўткирлашиб ҳам бадий-ижтимоий, ҳам ижтимоий-иқтисодий долзарблик кўрсатмоқда. Ҳар иккала жараённинг гармоник тарзда бориши ва ривожланишини таъминлашда, айниқса, санъат асарлари орқали миллий менталетимиз ва маънавиятимизга ёт, бузғунчи ғояларнинг юртимизга кириб келишини олдини олишда жуда кўп омиллар қатори санъатшуносликнинг ўрни ва масъулияти ҳам юқори бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган, миллий қадриятларни тиклаш ва уларни Истиқлол даври талаблари асосида ривожлантириш драматурглар, санъат аҳлининг асосий вазифаларидан бўлиб қолгани, яратилган имкониятлар туфайли драматургия ва сахнамизда Амир Темур, Мирзо Бобур, Исмоил ал Бухорий, Аҳмад Яссавий каби тарихий сиймолар образларининг пайдо бўлиши, айниқса сўнгги йилларда миллий санъатимизнинг барча турларида мустақиллигимизни мустаҳкамлашга беқиёс хисса қўшиб келаётган илғор, фидоий замондошларимиз образларини яратиш борасидаги қизғин ҳаракатлар эътиборга лойиқдир.

3.3. Санъатшунослик фанининг олий таълим тизимидаги ўрни.

Театр – миллат маънавияти, онги ва дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилувчи, халқнинг асрий қадрият ва анъаналарини мужассам этувчи беқиёс санъат. Саҳнада яратилган бадий образ ўзининг жонлилиги, эстетик таъсирчанлиги, миллий ва умуминсоний моҳияти билан томошабин руҳияти, ҳистуйғуларига бевосита таъсир кўрсатади.

Халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавий камолотида театрнинг бу каби имкониятларидан самарали фойдаланиш, эзгу ғоя ва тушунчаларни сахна

санъати орқали тарғиб қилиш, шу йўл билан уларда ёт ғоялар ва глобал таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш долзарб аҳамият касб этади. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан маданий ҳаётимизнинг барча жабҳалари қатори театр санъати ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пойтахт ва вилоятлардаги театр бинолари капитал таъмирланаётгани, театр жамоаларининг юртимиз ва хориж бўйлаб гастроль сафарлари ташкил этилаётгани, сахна санъатига бағишланган турли фестивалъ ва анжуманлар ўтказилаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. 2017 йилнинг 3 август куни Президентимиз Ш.М.Мирзиёев юртимизнинг ижодкор зиёлилари, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашиб, бевосита ижодий соҳаларда йиғилиб қолган муаммоларни атрофлича таҳлил қилди, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирди. “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусидаги мазкур мулоқотда мамлакатимизда адабиёт, театр, кино, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа ижод турларини ривожлантириш бўйича долзарб фикрлар ўртага ташланди, очиқ ва самимий руҳда ўтган тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Йиғилишда Президентимиз театр санъатидаги мавжуд муаммоларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди: “Аксарият театрларимизнинг репертуарлари ғоявийбадий жиҳатдан ночор, улардан ўрин олган спектаклларда бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган жиддий ижтимоий муаммолар ўз аксини топмаяпти.

Афсуски, театрларимиз кўпроқ маиший мавзулардаги енгил-елпи, бачкана асарлар, одамга на маънавий озик, на эстетик завқ берадиган томошаларни намойиш этишга ўрганиб қолган”. Мазкур танқидий мулоҳазалардан хулоса чиқарган ҳолда айтиш керакки, театрларимизнинг репертуарини бадий-ғоявий жиҳатдан юксалтириш, давримизнинг муҳим ижтимоий масалаларини сахна асарлари орқали ифодалаш театр ижодкорлари зиммасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Бугунги глобаллашув даврида санъат турлари ўртасида ўзаро таъсир, маданий универсаллашув

жараёнлари содир бўлмоқда. Хусусан, буни театр санъати мисолида ҳам кузатиш мумкин. Биз мазкур мақолада адабиёт ва театрнинг бир-бирига таъсири, синтезлашиш ҳодисасини илмий таҳлил қилишни мақсад қилдик.

Драматик турга мансуб бўлмаган ҳар қандай асарни сахна қонуниятлари ва талабларига мослаштириш, содда айтганда, пьеса ҳолига келтириш театр назариясида “инсценировка” деб аталади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да инсценировка атамасига шундай таъриф берилади: “Инсценировка” лотин тилидан таржима қилинганда, “in” – “ичида”, “scena” – “сахна” деган маънони англатади. Бирор асарни сахнабоп қилиш ўзгартириш, сахнада қўйиш ва сахналаштирилган асарнинг ўзи. Соҳага доир манбаларда айтилган тушунча батафсил шарҳланади: “Инсценировка – драматик бўлмаган асарнинг театр учун қайта ишланиши. У адабий асар мотивлари асосида ёзилиши билан пьесадан фарқланади (Буюк инглиз драматург Уильям Шекспир ҳам ўз асарларида Ўрта асрларда яратилган новелла ва қиссаларни қайта ишлаган). Инсценировка бадиий мустақил асар бўлиб, асл манбанинг ғояси, сюжети ва услубини асарнинг ижодий яхлитлигини инкор этмаган ҳолда қайта яратади”.

Театр бадиий адабиётга, хусусан, насрий турга қачондан эҳтиёж сеза бошлагани, бу икки санъат ўртасидаги диалектик боғлиқлик қайси даврда шаклланигани ҳақида адабиёт ва театр назарийчилари турли фикрлар билдирган. Барча санъатларнинг ибтидосида сўз туришини инобатга олсак, театр ҳам азалдан адабиётдан қувват олиб, ўз қаддини тиклагани маълум бўлади. “Адабий асарларни инсценировка қилиш билан боғлиқ дастлабки тажрибалар Ўрта асрларга бориб тақалади” – деб ёзади театр ва драма назарийчиси И.Чистюхин. – “Ғарбда черков хизмати меҳроб олдида айтилувчи диний матннинг таъсирчанлиги ва ифодавийлигини кучайтириш мақсадида драматик элементларни киритишга рухсат берган. Мистерия (Ўрта асрларда черковда кенг тарқалган диний мавзудаги драма) муаллифлари аниқ эпизодларни саралаб черков маросимлари учун инсценировка қилишган.

Шарқ мамлакатлари театрининг шаклланишида эса халқ оғзаки ижоди, хусусан, эпос ва дostonлар, афсонаю мифлар асосий манба вазифасини

бажарган. Бу жараённи ҳам адабиёт ва театр ўртасидаги узвийлик билан изоҳлаш мумкин. Масалан, ҳинд мумтоз театрини “Рамаёна” ва “Маҳобҳарат” дostonларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар иккала эпос миллат маънавиятининг ажралмас қисми саналади, шунингдек, улар асосида кўплаб драматик асарлар ёзилган ва айна ҳодиса профессионал ҳинд театрининг дунёга келишига замин ҳозирлаган. Хорижий адабиётларда бир санъат турининг бошқасига кўчиши, унинг ифода воситаларига мослашиши “adaptation” деб аталади. Инглиз тилидан таржима қилинганда, бу сўз “мослашув”, “кўникув” деган маъноларни англатади. Кенг маънода ҳар қандай шароит, вазиятга мослашиш, масалан, бир инсоннинг бошқа муҳит, иқлимга ўрганиш жараёнини ҳам ушбу атама билан изоҳлаш мумкин. Айна вақтда у ижодий фаолиятга нисбатан ҳам ишлатилади. Европа мамлакатларида adaptation атамаси билан боғлиқ салмоқли тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, Линда Хютчеоннинг “Мослашиш назарияси” номли китобида мазкур истилоҳнинг мазмунмоҳияти, асосий тушунча ва элементлари, назарий хоссалари ҳақида сўз юритилади. Муаллиф “creative adaptation” яъни “ижодий мослашув” тушунчасини шарҳлар экан, ушбу ҳодисани турли медиа воситалар, видео ўйинлар, поп мусиқаси, кино ва театр мисолида тадқиқ этади, уларнинг таъсир кўлами ва ижодий имкониятларини таққослайди.

Ушбу термин театр санъати бўйича махсус ўрганилган. Кўрсатилган китоб “theatrical adaptation” (“театрал мослашув”) га доир илмий-назарий ва амалий қўлланма бўлиб, унда мавзунинг асосий қирралари замонавий театр жараёнлари кесимида кўриб чиқилади. “Театр адаптациясининг замонавий йўллари” номли илмий тўпلامда турли мавзу ва жанрдаги асарларнинг саҳнавий талқинлари ўрганилади. Тўпلامга киритилган мақолаларда турли даврга мансуб жаҳон адабиёти намуналарини инсценировка қилиш ва саҳналаштириш тажрибалари, асл манба ва спектакль ўртасидаги тафовутлар, адабий асар билан ишлашнинг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Юқорида қайд этганимиздек, инсценировка жараёнида наср ва драманинг ўзига хос хусусиятлари, ифода воситаларини фарқлаш, бу икки санъатнинг

назарий қонуниятларини билиш спектакль тақдирини белгилайди. Боиси бир санъат асари бошқасининг тилига кўчади ва ушбу ҳолатда адабиёт ва театрнинг синтезлашиш ҳодисаси кузатилади.

“Воқеаларнинг зичлиги, диалогларнинг юзага чиқиши драмани романдан ажратиб турадиган асосий хусусиятдир” — деб ёзади драматургия назариясининг йирик тадқиқотчиларидан бири В.Волкенштейн. — “Драматургнинг ўзига хос эканини ҳис қилган.

Адиб қаламига мансуб деярли барча машҳур қиссаю романлар дунёнинг кўплаб театрларида қайта-қайта сахналаштирилган ва сахналаштирилмоқда. Буюк француз адиби, реализм адабиётининг йирик сиймоларидан бири Оноре де Бальзак “XIX аср француз ёзувчиларига мактуб” номли мақоласида адабий асарни драмага айлантириш ҳақида анча кескин мулоҳаза билдиради: “Биз китобни ўқимоқлари учун эълон қиламиз, лекин уни чўзғилаб, қийқимқийқим қилиб драмага айлантирмоқларини ёхуд ундан зўрма-зўраки водевиль яшашларини истамаймиз. Бу ҳар томонлама ўйлаб кўришга арзийдиган масала”. Бошқа бир ўринда эса адиб шундай қатъий талабни ўртага қўяди: “Шундоқ бўлгач, ажойиб китобларни ҳимоя қилиш борасида “Театр учун пьеса қилиб қайта ишлаш ман этилади” деган маънода адабий-муниципиал қонун қабул қилса бўлмасмикан?”. Бундан кўринадикки, Бальзак инсценировкага бутунлай қарши бўлган ва китобхон учун ёзилган асарни театрга кўчишини истамаган. Аслида Бальзак сингари адабий мезонларга қатъий риоя қилган реалист ёзувчиларнинг бундай хулосага келиши табиий ҳол. Чунки улар китобнинг жозибаси, бадииятини бошқа санъат турлари сақлаб қолишига шубҳа қилишади.

Замонамизнинг улкан адибларидан бири, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов ҳам насрий асарнинг театрга кўчиши ҳақида мулоҳаза юритиб, шундай ёзади: “Менинг билишимча, Чехов ва Горький даврида прозанинг сахнага кўчирилиши жуда кам учрайдиган ҳодиса эди. Аммо, бугун негадир проза асарларига тез-тез қўл урмоқдалар. Хўш, яхшими бу ёки ёмонми? Бунга бир сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Бир томондан олганда, прозанинг

инсценировка қилинаётгани яхши, иккинчи томондан эса, унча яхши деб бўлмайди. Инсценировкалар ҳар хил, ҳаммаси ҳам муваффақиятли чиқиши қийин”. Айтматов масалага нисбатан хайрихоҳдек кўринса-да, бироқ у ҳам инсценировканинг тарафдори эмаслиги маълум бўлмоқда. Шундай бўлса-да, адиб қаламига мансуб деярли барча машҳур қисса-ю романлар дунёнинг кўплаб мамлакатлари, хусусан, юртимиз театрларида ҳам қайта-қайта сахналаштирилган ва сахналаштирилмоқда.

Таниқли драматург Виктор Розов эса “Яна инсценировка ҳақида” сарлавҳали мақоласида мавзу юзасидан атрофлича фикр юритиб, ўз қарашларини қуйидагича баён этади: “Инсценировканинг кўплиги ҳақиқий драматургия ривожига тўсқинлик қилади. Кўплаб театр арбоблари ўртамиёна пьесадан кўра бақувват романни сахналаштириш афзал эканини такрорлашади ва бу масалада улар билан келишолмайман. Ўйлашимча, қўйилаётган савол анча чуқур, улар ўз вазифасини енгиллаштирмоқчи бўлади. Хўш, инсценировка қандай тайёрланади, бунинг рецептини ҳеч ким, ҳатто танқидчи ҳам билмайди. Бу сирдан фақат шу иш билан шуғулланган, унинг бутун масъулиятини ҳис қиладиган ижодкоргина воқиф бўлиши мумкин. Ҳозир камина инсценировкага қарши бўлаётганимнинг сабаби шуки, у мисли ёввойи ўтдек драматургияни пайхон қилмоқда”.

Розовнинг мулоҳазаларида қайсидир маънода жон бор, бироқ бу фикрга ҳам тўлалигича Театр ва кино ЎзДСМИ хабарлари — 2019/1(9) 21 Ш.Абдурасулов. Театр инсценировкаси ва унинг илмий-назарий муаммолар кўшилиб бўлмайди. Тўғри, инсценировкага ҳаддан зиёд кўп мурожаат қилиш оригинал драматургияга эҳтиёжни сусайтиради, лекин парадокс шундаки, мазкур ҳолат драматургларни кўпроқ изланиш ва яратишга, наср ижодкорлари билан рақобатлашишга ундаши мумкин. Адабий матн ва унинг хусусиятлари, матнни қабул қилиш ва талқин масалалари, насрий ва насрий бўлмаган матн устида ишлаш жараёни бўйича италиялик машҳур ёзувчи, файласуф ва адабиёт назарийчиси Умберто Эконинг семиотик таҳлил номли назарий қарашлари диққатга арзигулик.

Гарчи Эко тадқиқотлари филология йўналишига мансуб бўлсада, насрни сахна учун инсценировка қилишда ушбу илмий-назарий хулосалар зарур объект вазифасини бажаради. Олим китобхон мутолаа жараёнида асарни қандай қабул қилиши, интуитив идрок ва тасаввур, фикр ва ҳиссиёт ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: “Шундай матнлар борки, улар нафақат эркин композиция, балки турфа талқинларга эга бўлади, оригинал матн эгилувчан, ўзгарувчан бўлиши ва амалиётга турли шаклларда тадбиқ этилиши мумкин”. Эконинг фикрича, ўқувчи асарни ўз зехни ва салоҳияти, ҳиссиётдан келиб чиқиб талқин қилади. Драма назарийтчиси И.Чистюхиннинг фикрича, адабиёт ва театрнинг фарқли жиҳатларини қуйидагича таснифлаш мумкин: – воқеликнинг ифода тарзи – адабиётда баёнчилик, театрда – аниқлик (конкретлилик) етакчилик қилади; – ҳаракат – адабиётда сюжет тадрижий тарзда, изчиллик асосида ривожланади, театрда эса воқелик нафақат кетма-кет, балки қутилмаган ва ноодатий йўсинда ривожланади; – темпоритм – адабиётда персонажлар нутқи, жумлалар қурилиши ва матн қисмларининг ўзаро муносабатига асосланса, театрда воқеалар алмашинуви, персонажларнинг жонли нутқи, мусиқа, чироқ ускуналари, актёрнинг жисмоний ҳаракати темпоритмни белгилайди; – вақт – адабиётда вақт тушунчаси чекланмайди, театрда эса спектаклнинг давомийлиги мавжуд, масалан, бирор спектакль ўртача 3-4 соат ёки ундан камроқ давом этиши мумкин; – белгилар тизими – адабиётда матн ва унинг таркиби, театрда сўз ва оҳанг, ҳаракат, мимика, имо-ишоралар, мизансахна, сценография, мусиқа, шовқин, кўргазмали тимсоллар ва ҳ.к. – имкониятлар – адабиётнинг имкониятлари деярли чегарасиз, боиси ҳар қандай нарсани сўз билан тасвирлаб, баён этиш мумкин.

Театрда эса бундай эмас, баъзи ҳолатлар борки, уларни сахнада кўрсатиш иложсиз. Инсценировка адабий асар сюжетининг турли қисмлари, воқеалари, мотивлари асосида ёзилади. Унинг адабий манбага қай даражада яқинлиги, оригинал асардан қанчалик фарқланишига қараб қуйидаги турларга ажратиш мақсадлидир: – асар асосида инсценировка – бунда бутун эътибор

асарнинг асл моҳияти, мавзу ва ғояси, композициясини қамраб олишга қаратилади. Инсценировкада асар руҳи сақланади, образлар характери, табиати, воқеалар ўрни ва макони ҳам ўзгармайди, яъни бирламчи манба ҳақидаги тасаввур ўз ҳолича қолади. Бутун дунё театр тажрибасида инсценировканинг мазкур тури кенг тарқалган. – асар мотивлари асосида инсценировка – [мотив французча *motif* “куй”, “оҳанг” деган маънони англатади] асар сюжетининг муайян, эътиборга молик, қизиқарли лавҳалари танлаб олинади ва композиция шу воқеалар замирига қурилади. Бунда инсценировка адабий манбага айнан таянмайди, сюжетдаги айрим унсурлар, элементлар бойитилади, муаллиф фантазиясидан келиб чиқиб янги воқеа ёки эпизодларни киритиши мумкин. Бироқ мотивлар асосидаги инсценировка асл манбадан фарқланса-да, ёзувчи ғояларига дахл қилиши, у баён этган воқеаларни буткул ўзгартириб юбориши мумкин эмас. “Худди санъат асарида бўлганидек, инсценировканинг ҳам ўзига хос ифода воситалари мавжуд. У, албатта, дастлабки манбанинг муҳити, ҳавоси, бадиий таровати, муаллифнинг индивидуаллиги, ёзиш оҳанги ва ҳаётий қарашларини қамраб олиши лозим. Инсценировка жараёнида асар айрим сюжетлар, ҳатто бир қанча муҳим образлардан маҳрум этилиши мумкин. Лекин бу ҳолат муаллифнинг ўзига хослиги, дунёқарашига таъсир этиши мумкин эмас”.

Коллаж – бир муаллифнинг бир неча асари ёки аксинча бир нечта муаллифларнинг асарлари асосида тайёрланган инсценировка. Бунда инсценировка учун танланган асарларнинг мазмун-моҳияти, бадиий ва ғоявий жиҳатдан бир-бирига мутаносиб келиши, жанр ва композициясига эътибор қаратилади. Инсценировканинг бу турига эркин ёндашиш мумкин. Шунингдек, бир муаллифнинг турли асарлари асосида инсценировка тайёрланаётганда, сахнавий талқинда умумий ғоя мужассам бўлиши лозим.

Мазкур назарий хулосаларга таянган ҳолда мавзу бўйича қуйидаги таклиф ва хулосаларни билдириш мумкин: – Лирика, наср, эпос сингари бадиий адабиётнинг турли йўналишларига тегишли асарларни театр учун инсценировка қилиш жараёнига профессионал драматурглар, ёзувчиларни

жалб қилиш лозим. Бу фаолият билан театр санъатидан йироқ, ҳаваскор ижодкорларнинг шуғулланиши адабий асар ва спектаклнинг муваффақиятсизлигига сабаб бўлади; – Драматургия йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларда мустақил пьеса ёзиш билан бирга, инсценировка маҳоратини шакллантириш, бу борада зарур билим ва кўникмаларни ўргатиш тажрибали педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди.

Бу вазифани институтдаги таълим жараёнида босқичма-босқич амалга ошириш лозим. Масалан, биринчи босқичда эртак, ҳикоя, масал каби кичик ҳажмли асарлар, иккинчи босқичда қисса, учинчи ва тўртинчи босқичларда эса романларни инсценировкага тайёрлаш, айти масалалар бўйича дарслар давомида турли тажриба, экспериментлар ўтказиш ҳар жиҳатдан фойдалидир. Шунингдек, ўқув дастурига “Инсценировка асослари” фанини киритиш фикримизча, бўлажак драматургларнинг назарий ва амалий билимларини бойитишга ёрдам беради; – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тасарруфидаги республикамизнинг барча театрларида адабий эмакдошларнинг ўрни ва ролини кучайтириш. Сабаби ушбу вазифага тайинланган ижодкорлар адабий ҳаётимизда воқеа бўлаётган асарларни ўқиб, танишиб, театрларга саҳналаштириш учун тавсия қилишади. Бунинг натижасида замонавий театр ва адабиёт ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб, адабий асоси бақувват, баркамол саҳна асарлари дунёга келиши мумкин; Замонавий ўзбек насрининг сара намуналарини саҳналаштириш бўйича: – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасида ижодий алоқаларни йўлга қўйиш; – Ёш режиссёр ва актёрларда адабий асарлар билан ишлаш маҳорати, кўникмасини ривожлантириш. Хулоса сифатида таъкидлаш ўринлики, насрий адабиёт театрнинг бадий-эстетик, ижтимоий-ғоявий аҳамиятини кучайтиради, драматик манбага бўлган эҳтиёжини қондиради, репертуарларнинг ўрни муҳим.

Қолаверса, бадий адабиёт намуналарини саҳналаштириш халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик, мутолаа маданиятини ривожлантириш,

уларнинг бадиий ва эстетик дидини тарбиялашга хизмат қилади. Бинобарин, инсценировканинг илмий-назарий хоссаларини ўрганиш, наср ва театр алоқаларини тадқиқ этиш театршунослик фанининг муҳим тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Инсценировканинг назарий қонуниятлари адабиёт ва театрнинг ифода воситалари, мавзу ва жанр йўналишлари, композицияси, қаҳрамонлар характери ва бошқа масалаларни қамраб олади. Ушбу мавзу ҳар икки санъатнинг хусусиятлари, услуби, поэтикаси, бадиий компонентларидан воқиф бўлишни, уларни яхлит объект сифатида ўрганишни тақозо этади. Шунингдек, шиддат билан ривожланаётган бугунги асримизда санъатлар ўртасидаги ўзаро таъсир масалаларини тадқиқ этиш санъатшунослик фанининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Зеро, ҳозирда бирор санъатнинг ривожланиш тенденцияларини бошқа санъатлардан айро тасаввур қилиш мумкин эмас. Айниқса, ўзида санъатнинг бир нечта турларини мужассам этган, синтетик санъат маҳсули театрни ижоднинг бошқа йўналишларидан ажратиб бўлмайди. Шу маънода адабиёт ва театр ижодкорлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини инсценировка қилиш ва саҳналаштириш келгусида ижобий самара бериши мумкин.

Назорат саволлари

1. Жаҳондаги тўртта таълим модели ҳақида нималар биласиз?
2. Вебинар методи нима?
3. Тьютор, эдвайзер, фасилитатор, модератор тушунчалари нимани англатади?
4. Япония таълим интизомининг ўзига хослиги нимада?
5. Дзьюку, кокоро тушунчаларини изоҳланг?
6. Концептуал, эстетик ва ижтимоий ақлнинг бир-биридан фарқи ҳақида нималар биласиз?
7. IQ - интеллект коэффициенти тушунчаси нимани англатади?
8. Дифференциаллашган таълим деганда нимани тушунасиз?
9. Индивидуал таълим нимада бошланади?
10. Японияда нима учун дзьюку ва ебъеку хизматларига мурожаат қилишади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абулқосимова Х. “Кино санъати асослари. Тошкент” (ўқув қўлланма) 2010
2. Авлоний. Танланган асарлар.Тошкент –Маънавият, 2006
3. Алиев М. “Кино асослари” Тошкент, 1991 й.
4. Акбаров Х. “Кино ва телевидение оламида” Тошкент, 2009
5. Бехбудий М. Танланган асарлар. Тошкент –Маънавият, 2006
6. Исмоилов Э. Маннон Уйғур.Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Т.1983
7. Муинов О. Рангасвир. - Т. Шарқ нашриёти, 2008. – 195 б
8. Мухамедов М., Файзиева Ф., Абляева В. Телевидение асослари.- Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”.2008.-134 б (ўқув қўлланма).
9. Раҳимов Ш. Мусиқа санъатига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.
- 10.Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. Т; Фан.1968.
- 11.Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. Қадимий замонлардан VIII асрга қадар. Т; Фан.1968.
- 12.Раҳмонов М. Ҳамза. (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи.) Биринчи китоб (1914 – 1960 йиллар). – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
- 13.Раҳмонов М., Тўлахўжаева М. Т., Мухторов И. А. Ўзбек миллий академик драма театритарихи. – Т., 2003.
- 14.Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши.Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965
- 15.Тасвирий санъат амалиётида педагогларни тайёрлаш.-Т, 2006
- 16.Турсунбоев С. Хорижий театр тарихи. Хрестоматия. /антик даврдан маърифатпарварлик давригача/ – Т., 2001.

- 17.Турсунбоев С. Театр тарихи. – Т.: Билим, 2005.
Турсунбоев С. Хорижий театр тарихи. Мажмуа. /антик даврдан XXI асргача/ – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006.
- 18.Турсунов Т. XX аср ўзбек театри тарихи. Тошкент, 2009.
- 19.Тўлахўжаева М. Театр танқидчилиги. “Санъат” журнали нашриёти,Т; 2015
- 20.Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXII вв.), проблемы (коллективная монография). Ташкент, 2008.
- 21.Хорижий театр тарихи. Қайта ишловчи ва таржимон С. Турсунбоев. 1 жилд. Т.: Ўқитувчи, 1997.
- 22.Хорижий театр тарихи. Қайта ишловчи ва таржимон С. Турсунбоев. 2 жилд. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1999.
- 23.Худайберганов Р.А. Рангшунослик асослари. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти. 2006. – 220 б.
- 24.Қодиров М. Ўзбек театри тарихи.Ижод дунёси нашриёт уйи, Т: 2003
- 25.Қодиров М. Ўзбек театри анъаналари. Е; Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1976.



**IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- Амалий машғулот: Санъатшунослик фанининг асосий функциялари. (2 соат)

Ишдан мақсад: Санъат турлари ва жанрлари, уларнинг бадиий-ифодавий воситалари, санъатларнинг хозирги ҳолати ва йўналишлари ўрганилади.

Мақсаднинг қўйилиши: Театр, кино, мусиқа, рақс, тасвирий санъат ва бошқа замонавий санъатларнинг ўзига хос хусусиятлари, таниқли драматург, режиссёр, актёр, рассом, композитор, балетмейстер ва бошқаларнинг ижоди ҳақида фикр алмашиш, тингловчиларнинг мавзу бўйича кўтарилган масалалар хусусидаги билим ва амалий кўникмаларини намойиш этишларига йўналтириш.

Театр санъати йўналиши бўйича: Театр санъатининг қадимий санъат турларидан бири эканлиги, антик театр намояндалари, ўзбек халқ томоша санъати, анъанавий театрнинг ўзига хос хусусиятлари, қизиқчи, масхарабоз ва кўғирчоқбозлар санъати, Ўзбекистонда Европа типидagi профессионал театрнинг вужудга келиши бунда жадидларнинг жонбозлик кўрсатиши, қадимги ўзбек анъавий театри билан замонавий профессионал театрнинг

ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, биринчи миллий ёзма драматургиянинг ёзилиши, ўзбек театр санъатининг машҳур намояндалари, режиссёр, актёр, драматурглар ижоди. Мустақиллик даври Ўзбекистон театрлари, янги авлод ижодкорларининг шаклланиши, ютуқ ва камчиликлар, муаммо ва уларнинг ечимлари.

Кино санъати йўналиши бўйича: Кино санъатининг замонавий санъат турларидан бири эканлиги, унинг юзага келиш тарихи, ака-ука Люмьерларнинг жаҳон кинематографияси тарихидаги ўрни, ҳозирги замон хорижий ва ўзбек миллий кинематографияси, унинг асосий жанрлари, машҳур киноижодкорлар, режиссёр ва актёрлар ижоди. Ўзбек кино санъатининг тарихи, унинг асосчилари, машҳур кинорежиссёрлар, актёрлар, киносценаристлар ижоди. Мустақиллик даври ўзбек кино санъати, ютуқ ва камчиликлар, муаммо ҳамда уларнинг ечимлари.

Муסיқа санъати йўналиши бўйича:Муסיқа санъатининг қадимий санъат турларидан бири эканлиги, турлари, жанрлари, жаҳон муסיқа санъатининг машҳур намояндалари, ўзбек миллий мумтоз муסיқа намуналари, замонавий ўзбек муסיқа санъати, машҳур композитор ва бастакорлар ижоди. Мустақиллик даври ўзбек муסיқа санъати, ютуқ ва камчиликлар, муаммо ва уларнинг ечимлари.

Рақс йўналиши бўйича: Рақс санъатининг қадимий санъат турларидан бири эканлиги, унинг халқ анъанавий томоша санъати билан боғлиқлиги, рақс санъатида халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва турли маросимларнинг бадий-эстетик шаклда намоён бўлиши Фарғона, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё рақс мактаблари уларнинг санъатшунос олимлар томонидан ўрганилганлиги. Мустақиллик даври ўзбек рақс санъати, ютуқ ва камчиликлар, муаммо ҳамда уларнинг ечимлари.

Тасвирий санъат йўналиши бўйича. Тасвирий санъатнинг қадимий санъат турларидан бири эканлиги, унинг жанрлари, жаҳоннинг машҳур мусаввирлари ижоди, ўзбек миллий рассомлик санъати, машҳур классик намояндалари, Мустақиллик даври ўзбек рассомлик санъати, етуқ

мусаввирлар ижоди, Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил этилиши, таълим тизими. Замонавий рассомлик санъатидаги ютуқ ва камчиликлар, муаммо ва уларнинг ечимлари.

Машғулот давомида ҳар бир санъат тури бўйича турли мавзу ва жанрлардаги конкрет санъат асарлари таҳлил қилинади, унда тингловчиларнинг билим ва амалий кўникмалари синовдан ўтади.

2-амалий машғулот: Санъат жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Санъат турлари ва ўзига хос ифода воситалари. (2 соат)

Ишдан мақсад: Санъат турларининг жамият маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, инсонлар тафаккури ва дунёқарашининг кенгайиши, ёшларда эстетик дид ва бадиий тафаккурнинг шаклланишига таъсири ўрганилади.

Мақсаднинг қўйилиши: Жамият ривожи ва маънавий ҳаётида санъатнинг ўрни ва санъаткор масъулияти масалалари.

Санъат – ҳар қандай ижтимоий воқелик сифатида давр махсули ҳисобланади. Ҳар бир давр ўз санъатини яратади. Шунинг учун ҳам ҳеч бир санъат тури ўз даврининг ижтимоий муносабатларидан ташқарида бўлолмайди. Санъатнинг қай бир турини олмайлик, хоҳ у театр санъати бўлсин, хоҳ кино, хоҳ мусиқа ёки тасвирий санъат бўлмасин, албатта ўз даврининг қиёфасини ўз асарларида олиб чиқади. Бу манзара ҳар бир санъат асарининг образли талқинида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам санъатшуносликда санъат тарихини даврлаштиришга алоҳида эътибор берилади. Масалан, Қадимги давр санъати, Ўрта асрлар даври санъати, Уйғониш даври санъати, Иккинчи жаҳон уруши даври санъати, Мустақиллик

даври санъати ва ҳоказо. Уларнинг ҳар бирида қай бир даражада у ёки бу даврга хос бўлган қиёфа, муҳит, манзара намоён бўлади. Буни ҳар бир санъат турининг фақат ўзигагина хос бўлган усул ва бадиий ифода воситаларида яратилган санъат асарларида образли кўрамиз. Хусусан, адабиётда сўз, тасвирий санъатда ранг, мусиқада оҳанг, театр санъатида хатти-ҳаракат, кинода тасвир орқали образлар яратилади.

Машғулотлар давомида ҳар бир санъат турининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти, жамият тараққиётига жиддий таъсир кўрсатиши алоҳида мисоллар орқали таҳлил қилинади.

Шунингдек, ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бўлган маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг мазмун-моҳияти ва уларнинг жамият маънавий-маърифий тараққиётига таъсири масаласи ҳам санъатшунослар диққат-марказидаги жиддий масалалардан ҳисобланади. Сабаби, ҳар қандай ижтимоий воқелик каби санъатнинг ҳам кишилар онги ва тафаккурига ижобий таъсири билан бирга, салбий оқибатларга олиб келувчи таъсир кучи ҳам борлигини унутмаслик керак. Айниқса, глобаллашув жараёнида Ер қуррасининг турли жойларида юзага келган баъзи бир бузғунчилик характеридаги қўштирноқ ичидаги “санъат асарлари” ҳам борки, улар айниқса ёшлар онгини захарлаб, жамиятимиз ва менталитетимизга ёт бўлган ғояларни тарғиб қилишга хизмат қилади. Бундай ҳаракатларнинг мавжудлиги “оммавий маданият” деган тушунчани келтириб чиқарди. Тинчлик-тотувлик, эзгулик, инсонпарварлик ғояларига асосланган соф миллий ва умумбашарий маданиятни унга тескари бўлган, бузғунчилик ва маънавий таназулга етакловчи “оммавий маданият”нинг турли кўринишларидан фарқлай билиш, уларнинг мақсад вазифалари ва туб моҳиятини очиб бериш ҳам санъатшуносликнинг алоҳида қирраларидан ҳисобланади.

Машғулотлар давомида тингловчилар маънавий ва мафкуравий таҳдидларнинг санъат соҳаси орқали кириб келиши, (турли адабиётлар,

музикий клиплар, аудио-видео-кино махсулотлар ва ҳ.к.), уларни олдини олиш йўллари билан танишадилар ва мавзу бўйича кўтарилган масалалар юзасидан аниқ мисоллар орқали амалий кўникмаларини намойиш этадилар

3 - амалий машғулот: Театр-синтетик санъат сифатида (2 соат)

Ишдан мақсад: Театр турлари ва жанрлари, уларнинг бадиий-ифодавий воситалари, театр санъатининг бошқа санъат турлари (адабиёт, музика, рақс, рассомлик, кино ва ҳ.к.) билан боғлиқлиги театр санъатининг ҳозирги ҳолати ва йўналишлари ўрганилади.

Мақсаднинг қўйилиши: Театр санъатининг қадимийлиги, унинг турлари ва жанрларининг ўзига хос хусусиятлари, бошқа санъат турлари билан синтезлашуви, таниқли драматург, режиссёр, актёр, рассом, композитор, балетмейстер ва бошқаларнинг ижоди ҳақида фикр алмашиш, тингловчиларнинг мавзу бўйича кўтарилган масалалар хусусидаги билим ва амалий кўникмаларини намойиш этишларига йўналтириш.

Театр санъатининг қадимийлиги. Қадимги дунё (антик) театри. Антик театр намояндалари ижоди ва уларнинг ўзбек сахнасидаги талқинлари. Ғарб ва Шарқ театрининг ўзбек театри шаклланиши ва ривожига бўлган таъсири. Ғарб драматургияси. Шекспир, Шиллер, Мольер, Брехт драматургияси, уларнинг ўзбек театрларидаги сахна талқинлари. Рус драматургияси. А.Островский, А.Чехов, Н.Гоголь драматургияси, уларнинг ўзбек театридаги сахна талқинлари.

К.Станиславскийнинг театр реформалари. К.Станиславский системаси. “Санъатдаги ҳаётим” ва “Актёрнинг ўз устида ишлаши” китобларининг мазмун-моҳияти. Станиславский таълимотининг рус ва жаҳон театр санъатига таъсири.

Қадимги ўзбек театри, анъанавий халқ томоша санъати, қизиқчи, масхарабоз ва кўғирчоқбозлар санъати. Машҳур қизиқчилар ижоди.

Анъанавий театр драматургияси. Санъатшунослик соҳасида ўзбек театри тарихининг ўрганилиши.

XX аср Европа типдаги профессионал ўзбек театрининг юзага келиши, шаклланиши ва тараққиёт босқичлари. Жадидлар ҳаракатининг миллий театримиз шаклланишига таъсири. Дастлабки ёзма драматургия. Жадид драматургияси мазмун-моҳияти, етакчи мавзу ва ғоя.

Атоқли режиссёрлар Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, уларнинг шогирдлари Баҳодир Йўлдошев, Рустам Ҳамидов, Карим Йўлдошев, Нажматдин Ансатбоев, Мансур Равшанов ва бошқалар ижоди.

Машҳур актёрлар Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшонтўраева, Ҳалима Носирова, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Соиб Хўжаев, Ҳамза Умаров ва бошқалар ижоди.

Миллий драматургиянинг шаклланиши. Асосий мавзу ва жанрлар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Комил Яшин, Уйғун, Иззат Султон, Сарвар Азимов, Туроб Тўла, Ўлмас Умарбеков, Шароф Бошбеков, Усмон Азим ва бошқалар ижоди. Мустақиллик даври театр санъати. Драматургия, режиссура, актёрлик санъатидаги анъана ва замонавий тенденциялар. Репертуар сиёсати, ютуқлар, камчиликлар, муаммо ва уларнинг ечимлари.

Машғулотлар давомида тингловчиларнинг жаҳон ва ўзбек театр санъати хусусидаги билим ва кўникмалари синовдан ўтади. Бунда адоҳида драматургик манба, унинг режиссёрлик талқини ва актёрлар ижроси таҳлил қилинади.

4-амалий машғулот. Санъат соҳасидаги турли замонавий услуб ва йўналишлар (2 соат)

Ишдан мақсад: Санъатдаги турли оқим ва йўналишларини белгилаш.

Мақсаднинг қўйилиши: Ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида санъат турларининг замонавий тамойиллар билан бойиб бориши, янги усул ва йўналишларнинг юзага келиши омиллари аниқланади, унинг ижобий ва салбий кўринишларига муносабат билдирилади. Тингловчилар мавзу бўйича кўтарилган масалалар юзасидан амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

Санъат турларининг тарихий шаклланиш ва ривожланиш босқичларидаги турли оқим ва йўналишларнинг юзага келиши, янги-янги мазмун ва шаклларда намоён бўлиши, уларнинг ҳар бирига хос алоҳида хусусиятларнинг санъат асарларида акс этиши ҳақида мулоҳаза юритилади. Жумладан;

Классицизм [*нем.* Klassizismus < *лот.* classicus – намунали] 17-аср – 19-аср бошларида Европа адабиёти ва санъатида антик адабиёт ва санъат намуналари ва шакллари мурожаат ва тақлид қилиш асосида шаклланган бадиий услуб ва оқим.

Абстракционизм [*лот.* abstractio – мавҳумлик, узоқлашиш] 20-аср тасвирий санъатида, ҳайкалтарошлик ва графикасида ўта формалистик оқим бўлиб, унинг тарафдорлари объектив воқеликни мавҳум геометрик шакллар, пала-партиш чизиклар, нуқталар бирикмаси (боғланмаси) сифатида тасвирлайдилар.

Авангардизм [*фр.* avant-gardisme – илғорлик] 20-аср санъат ва адабиётида реалистик бўлмаган (ҳатто реалистик оқимга зид) оқимларнинг умумий номи. Унинг тарафдорлари адабиёт ва санъатнинг аввалдан мавжуд анъаналарини тан олмай, уни тубдан янгилашни, унинг тасвирий ва шаклий имкониятларини кенгайтиришни мақсад қилиб қўйган, шунга кўра, ҳатто реализмни ҳам рад этганлар.

Барокко [*итал.* барокко – ажиб, ғалати, жимжимадор] 16-аср охири – 18-аср ўрталарида Европа санъатида мавжуд бўлган, манзаравий серҳашамлиги, жимжимадорлиги, тасвирий ранг-баранглиги билан ажралиб турадиган услублардан бири. *Барокко услубида қурилган меъморий мажмуалар фазовий ечими, майда меъморий безакларга мўллиги ва ягона гоёга бўйсунishi билан ажралиб туради.*

Импрессионизм (франц. Impression — таассурот) — санъатда 19-а. охири — 20-а. бошларида ҳукм сурган йўналиш. Импрессионизм вакиллари мавжуд борликни ҳаракатда, ўзгаришда табиийроқ тасвирлашга, ўз лахзалик таассуротларини ифодалашга интилиб, тасвирнинг жонли, ҳаққонийлигига

эришган. Воқеликнинг табиийлиги, инсон ва муҳит бирлигида унинг доимий ўзгарувчанлиги ифода этилди. Дастлаб 1860-й.ларда француз ранг-тасвирида вужудга келган. Э. Мане, К.Моне, О. Ренуар ҳаётдан олган бевосита жонли таассуротларини тасодифий ҳаракат, фавқулодда ҳолатлар ифодасида намоён этдилар.

Кубизм (куб сўзидан) — Европа тасвирий санъати (кўпроқ рангтасвир) даги модернистик оқим; 20-асрнинг 1-чорагида юзага келган. Дастлаб Францияда пайдо бўлган (1908—10). К. санъатнинг реалистик анъаналаридан воз кечиб, ҳажмли шаклларни лойиҳалаш вазифасини биринчи ўринга қўяди. Намояндалари П. Пикассо, Ж. Брак, Х. Грис, Ж. Гри ва бошқалар.

Модернизм - 1) 19-а.нинг 2-ярми —20 асрнинг 50—60-й.ларида Европа,АҚШ адабиёти ва санъатида ривож топган оқим ва йўналишларнинг умумий номи. Дастлаб, Францияда ташкил топган символизм, акмеизм, импрессио-низм (мас, 1863 й.да Парижда очилган «Хўрланганлар салони») вакиллари, муסיқада К.Дебюсси, М.Равель каби композиторлар ижодига нисбатан қўлланган. Модернизм декадентлик термини б-н ҳам юритилган. Бадиий ижоднинг мумтоз анъаналаридан воз кечиш, ижодкор ўз шахсий кечинма, таассурот ва тасаввурларини устун қўйиши, бадиий шаклларни янгилаш жараёнига алоҳида аҳамият бериш улар ижодига хос бўлган хусусиятлардир. Модернизм вакиллари реализмга карши курашди, классицизм (академизм)га хос бўлган ижодий тамойилларни инкор этишга интилди.

Натурализм (франц. naturalisme, лот. naturalis — табиий) — 19-асрнинг охириги чорагида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида юзага келган оқим ва ижодий метод; реал борлиқни объектив, аниқ ва ҳиссиз акс эттиришга интилган. Натурализм табиий фанларда эришилган муҳим муваффақиятлар таъсирида юзага келган. Асосий тасвир объекти — инсон, унинг табиий ва физиологик ҳаёт тарзи; табиат ва атроф муҳитни унинг маиший ва моддий муҳити деб билган. Бу эса, ўз навбатида, бадиий имкониятлари чекланган бадиий маданият тараққиётини таъминлади: Францияда Э.Мане, Э.Дега,

А.Тулузлотрек; Бельгияда К. Менье, П.Полюс; Германияда М. Либерман, Х. Бартельс, К. Кольвиц; Италияда веризм вакили В.Вела ва б. Тасвирий санъатда Натурализм борлиқни ғоявий мазмунсиз, бадий умумлашма ва танлашлардан холи, ташки жи-ҳатдан айнан ҳаётин акс эттиради.

Примитивизм - 19-аср охири -20-аср бошларида юзага келган авангард санъат оқими; бадий воситаларни соддалаштириш ва примитив шакллар (ибтидоий давр, маданий жиҳатдан ривожланмаган халқлар санъати, халқ ижоди ҳамда болалар расми)га мурожаат этувчи йўналиш. Рассомларнинг замонавий воқеликдан норозилиги натижасида ҳаётдан қочиб санъатнинг илк даврларига қайтиши Примитивизмнинг кенг тарқалишини таъминлади. Примитивизм ҳамма халқлар санъатида мавжуд. Примитивизм шунингдек, санъатга дахлдор бўлган, бироқ, профессионал таълим олмаган, халқ ичидан чиққан ҳаваскор рассомларнинг услубини ҳам ифодалайди. Примитивизм янги дунё маданиятидан холи бўлган, ундан «соф» санъат сифатида тарғиб қилинди.

Реализм I [*лот.* realis – моддий, ҳақиқий] **1 ад.** Адабиёт ва санъат (тасвирий санъат, театр, мусиқа ва б.) да воқеликни, ҳаётни ифода воситалари орқали, бадий образларда бутун тўлаллиги билан ўзига ўхшаш шаклларда ҳаққоний акс эттириш усули.

Романтизм [*фр.* romantisme] **1** 18-асрнинг охири – 19-асрнинг биринчи чорагида Европа, шунингдек, Америка адабиёти ва санъатида пайдо бўлган, классицизм қонун-қоидаларига қарши чиқиб, миллий ва индивидуал ўзига хосликка, идеал қаҳрамонлар ва туйғуларни тасвирлашга интилиш билан ажралиб турувчи йўналиш, оқим.

2 Адабиёт ва санъатда: оптимизм руҳи билан суғорилган ва инсоннинг юксак бурчини ёрқин образларда тасвирлашга интилган йўналиш.

Символизм [*юн.* symbolon – белги, рамз; тимсол] **1** Символлар, рамзлар мажмуи.

2 19-аср охири – 20-аср бошларида дастлаб Францияда, кейин Европанинг бошқа мамлакатларида пайдо бўлган адабий оқим [Символизмда

белги, рамз (символ) поэтик образлиликнинг чўққиси, ғоянинг энг мукаммал ифодаси сифатида намоён бўлади]. *Символизмнинг юзага келиши Париж Коммунаси тугатилгандан кейин француз воқелигида вужудга келган ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ. «ЎзМЭ».*

Формализм (лот. *Sormalis* — форма, шаклга оид) — инсон фаолиятининг турли соҳаларида шакл (форма)ни мазмунга нисбатан устун қўйиш. Жамиятни бошқаришда бюрократизм, тўрачиликда намоён бўлади. Санъат ва адабиётда Формализм — реализмга зид бўлган бадий метод. Санъатда Формализм санъат ва воқеликни қарама-қарши қўйиш, бадий шаклни мазмундан ажратиш, шаклнинг алоҳидалиги ва устунлигини таъкидлашдан иборат.

Машғулотлар давомида тингловчиларнинг санъатдаги турли оқим ва йўналишларга муносабати, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш борасидаги билим ва кўникмалари намоён бўлади.

5-амалий машғулот. Санъатшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар. (2 соат)

Ишдан мақсад: Санъатшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг мазмун-моҳияти, мавзулар ранг-баранглиги, уларнинг санъатшунослик фанининг тарихи ва назариясини ўрганишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида мулоҳаза юритилади.

Мақсаднинг қўйилиши: Санъатшунослик фанининг ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти, унинг турлари ва жанрлари бўйича мавжуд илмий-тадқиқотларнинг илмий қиммати, атоқли ўзбек санъатшунос олимларининг фаолияти хусусида фикр алмашиш, тингловчиларни мавзу бўйича кўтарилган масалалар борасидаги билим ва амалий кўникмаларини намойиш этишга йўналтириш.

Санъатшунослик соҳаси кўп тармоқли бўлиб, санъатнинг барча турлари ва жанрларини қамраб олади.

Жумладан:

Театр санъати бўйича – унинг турлари, жанрлари мавзусида олиб борилган тадқиқотлар. Театр санъатининг келиб чиқиш тарихи, шаклланиш ва тараққиёт босқичлари, драматургия масалалари, режиссура ва актёрлик санъатидаги анъана ва замонавий тенденцияларнинг юзага келиши, замонавий театр санъатидаги интеграцион жараёнлар, жаҳон классик драматургияси ҳамда миллий мумтоз адабиётнинг сахна талқинлари, талқин ва ижрода замонавий ёндашув ва инновацион технологияларнинг жорий қилиниши, ютуқ ва камчиликлар, муаммоларни бартараф этиш йўллари.

Кино санъати бўйича – унинг алоҳида хусусиятлари, турлари, жанрлари хусусида олиб борилган тадқиқотлар. Кино санъатининг тарихи, шаклланиш ва тараққиёт босқичлари, киносценарий, режиссура ва актёрлик санъатидаги анъана ва замонавий тенденцияларнинг юзага келиши, кино санъатида инновацион технологияларнинг қўлланилиши, бадиий, хужжатли, илмий-оммабоп, қисқа метражли ҳамда анимацион фильмлар суратга олиш жараёнлари, миллий кинематографиядаги ютуқ ва камчиликлар, муаммоларни бартараф этиш йўллари.

Муסיқа санъати бўйича – унинг алоҳида хусусиятлари, турлари, жанрлари хусусида олиб борилган тадқиқотлар. Муסיқа санъатининг тарихи, шаклланиш ва тараққиёт босқичлари, жаҳон муסיқа санъатининг миллий композиторлик санъатига таъсири, бастакорлик ва миллий ижрочилик, муסיқа санъатидаги анъана ва замонавий тенденцияларнинг юзага келиши, миллий муסיқа санъатидаги ютуқ ва камчиликлар, муаммоларни бартараф этиш йўллари.

Рақс санъати бўйича – унинг алоҳида хусусиятлари, турлари, жанрлари хусусида олиб борилган тадқиқотлар. Рақс санъатининг қадимийлиги, машҳур балетмейстерлар ҳамда уста раққос ва раққослар ижоди. Ўзбекистонда миллий рақс ва хореографияни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар, муаммоларни бартараф этиш йўллари.

Тасвирий санъат бўйича – унинг алоҳида хусусиятлари, турлари, жанрлари хусусида олиб борилган тадқиқотлар. Жаҳон тасвирий санъатининг ўзбек миллий рассомлик мактабининг шаклланиши ва ривожига таъсири. Миллий миниатюра санъати, Камолиддин Беҳзод ижоди. Ўзбекистонда тасвирий санъат соҳасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар, муаммоларни бартараф этиш йўллари.

Машғулотлар давомида тингловчилар мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган китоблар, мақола ва интервьюлар орқали санъатшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг мавзулари, йўналиш ва жанрлари билан танишадилар, баъзи хорижий манбаларни дарс жараёнига қўллашнинг ижобий ёки салбий жиҳатлари тўғрисида очиқ мулоқот, баҳс ва мунозаралар ташкил қилинади. Шу орқали тингловчиларнинг соҳа юзасидан билим ва кўникмалари синовдан ўтади.

6-амалий машғулот. Санъатшунослик соҳасидаги замонавий ёндашувлар. (2 соат)

Ишдан мақсад: Барча соҳалар қатори санъатшунослик соҳаси ҳам замон билан ҳамнафас ривожланиб, тараққий этиб бораверади. Шунга мувофиқ, санъат турларининг ривожланиб, тараққий этиб боришига ҳамоҳанг равишда санъатшунослик фанида ушбу жараёнларга нисбатан муносабат ўзгариб, янгиланиб, замонавий тенденцияларнинг юзага келиши ҳақида мулоҳаза юритилади.

Мақсаднинг қўйилиши: Санъатшунослик фанининг жамият ижтимоий-маданий тараққиёти билан бирга ўзгариб, такомиллашиб бориши, санъатшунослик илми ва амалиётида янги ёндашув ва тамойилларнинг юзага келиши хусусида фикр алмашиш, тингловчиларни мавзу бўйича кўтарилган масалалар борасидаги билим ва амалий кўникмаларини намоёниш этишга йўналтириш.

Санъатшунослик соҳасидаги замонавий ёндашувлар энг аввало ҳар бир алоҳида санъат турининг ривожланиш хусусиятига боғлиқ ҳолда юзага келади. Санъатларнинг шакл ва мазмун жиҳатдан ўзгариб, такомиллашиб бориши ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида юз беради. Бу жараён бир неча босқичдан иборат бўлиб, унда асосан санъаткор шахсининг тафаккури, онги-шуурида жамият ўзгаришларига нисбатан шаклланиб келаётган муносабатлари муҳим роль ўйнайди. Санъаткор ҳаётга, ижтимоий борлиққа қандай кўз билан қараса, санъат асарларида ҳам худди шунинг бадиий тасвирини кўрамиз.

Янги инновацион технологияларнинг кириб келиши ҳам замонавий санъатларнинг тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади. Санъат соҳасидаги янги технологиялар ўз навбатида санъат асарларини янги шакл ва мазмун билан бойитади, шу орқали санъат асарларига нисбатан янгича қараш, янгича муносабатларнинг шаклланишига туртки бўлади.

Санъат соҳасидаги трансформацион жараёнлар, санъатларнинг ўзаро синтезлашуви таъсирида шакл ва мазмун бирлигининг янги кўринишларининг вужудга келиши ҳам замонавий санъат асарларига муносабат ва ёндашувнинг янги, ўзига хос жиҳатларини юзага келтиради.

Санъатшунослик таълими соҳасида ҳам янги, замонавий услуб ва ёндашувларни кўрамиз. Илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модуль асосида дарсларни ташкил этиш амалиёти. Машғулотлар давомида санъатшунослик фанини ўқитишда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш, очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш, дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўлланмалардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилади. Шунингдек, тингловчилар мавзу бўйича кўтарилган масалалар юзасидан билим ва амалий кўникмаларини намоёниш этадилар.

Санъат таълимида иқтидор тушунчасининг моҳияти. Санъатшунослик фанини ўқитишнинг мақсад ва вазифалар. Интеграцион ўқиш тажрибалари. Тингловчилар гуруҳи билан Тошкент шаҳрида жойлашган Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти ва Ўзбекистон давлат санъат музейлардан бирига ташриф буюрилади. Театрнинг ишлаш кундалиги, репетициялар жараёни, ишлаб чиқариш фаолияти билан танишилади. Дарсдан сўнг муайян спектакллар таҳлил қилинади ва театрнинг ўзига хослиги борасида фикр алмашинади.

Санъат – инсоният бадиий фалсафий тафаккурининг мевасидир. Шу боис унга бўлган инсон эҳтиёжи асло сўнмайди. Инсоният маданий тараққиёти замондан замонга қараб ўсиб, ривожланиб борар экан, санъатга бўлган эҳтиёж ҳам шунга монанд муттасил ўсиб боради. Замон тақозоси ва талаби сифатида янги турлар, янги жанрлар пайдо бўлаверади. Санъаткор бадиий тафаккурига, ижро маҳоратига, санъатнинг бадиий-фалсафий, ижтимоий-тарбиявий асосларига бўлган талаблар ҳам муттасил ўсиб бораверади. Иккинчидан, санъат мухлисларининг, демакки, кенг халқ оммасининг санъатдан бадиий-эстетик завқ олишга интилиши асносида унинг санъат турлари хусусиятларини англашга, санъаткорлар ҳаёти, ижоди, маҳоратларининг ўзига хос томонларини, имконият даражаларини, санъатлар тараққиёти жараёнларидаги ютуқли ва муаммоли томонларини билишга интилиши азалдан юксак даражада бўлган. Шу боис, бугунги ахборот-коммуникатив имкониятлар ошган, глобаллашув жадаллашган бир шароитда бу масала янада ўткирлашиб ҳам бадиий-ижтимоий, ҳам ижтимоий-иқтисодий долзарблик кўрсатмоқда. Ҳар иккала жараённинг гармоник тарзда бориши ва ривожланишини таъминлашда жуда кўп омиллар қатори санъатшуносликнинг ўрни ҳам энг муҳим шартлардан бири бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда айрим тадқиқотчилар санъат ўз маҳсулига эга бўлганлиги сабабли уни ишлаб чиқариш тармоғига қўшадилар. Бошқаларнинг фикрича эса санъат маҳсули эстетик рамзга эга ва маданий жиҳатдан эстетик эҳтиёжни кондиришга қаратилмаган бошқа маҳсулотлардан ажралиб туради. Лекин иккала турдаги маҳсулот қандайдир маълум бир ахборот ташувчиси ҳисобланади ва қай бири айнан санъатга тегишли эканлигини аниқлаш баъзи бир ҳолларда қийин бўлади. Баумолнинг фикрича, коллекционер масалан

санъат предметини харид қилишидан эстетик завқ олиши билан бирга молиявий даромадни ҳам кўзлайди. Хониг эса рангтасвир асарини моддий маданиятнинг тугалланган предмети (артефакт), тасвирий маҳсул ва истеъмол предмети сифатида тавсифлаган.

Баррере ва Сантагата (1999) ҳайкалтарош Константин Бранкусининг санъатга тегишли ва санъатга тегишли эмаслигини қанчалик мураккаб эканлигини намоиш қилиш мақсадида 1927 йили Нью Йоркдаги Божхона бошқармасига қарши бўлган суд ишини мисол тариқасида келтирадилар. Унинг Нью Йорк портига олиб кирилган “Фазодаги қуш” номли ҳайкалини қандай товарлар гуруҳига киритиш қийинчилик туғдирди, чунки 1913 йилдан буён АҚШга келган санъатга тегишли барча товарлар божхона тўловларидан озод этилган эди. Лекин кўпчилик ҳайкални ишлаб чиқаришга хослиги ва ундан импорт божи ундирилиши кераклигини баҳслашишади. Бранкуси бу ишни ютиб чиқди, лекин ҳанузгача санъат маҳсулини аниқлашда кўплаб баҳслар олиб борилмоқда. Ушбу вақтда аниқланган омилларга санъат ишининг оригиналлиги ва ҳаққонийлиги, у қўлда ясалган ва ясалмаганлиги, унинг амалий қиймати ва истеъмол кўрсаткичлари киритилди. Ҳозирда кўплаб санъат ишларини унинг оригиналидан фарқлаш мушкул. Аммо саноат прототиплар оригинал ҳисобланса ҳам улар санъат асарлари эмаслигича қолаверади. Санъатнинг чегараси чексиз ва замонавий санъат вақт билан чегараланган, ҳамда оммавий ишлаб чиқариш омилларини ўзига жалб этади. Жисмоний оригиналлик ўрнини тез тез янги ғоялар эгаллайди. Санъатшуносликнинг ўзига хос қирралари, ривожланиш тенденциялари унинг субъект ва объектларидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Субъектларига санъат маҳсули яратувчилари, воситачилар ва истеъмолчилар кирса, объектларини эса санъат маҳсули, ташкилотлар, шахслар ташкил этади. Санъатшунос эса бу борада ўзига хос воситачи, асл санъат ва саноат маҳсулининг қийматини белгиловчи мутахассисдир.

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс №1. “Тунда очик”

Санъат оммабоплигини янада ошириш туфайли ушбу соҳадаги қўшимча қийматнинг капиталга айланиш жараёни Тейт Модерн галереяси учун муваффақиятли ўтди. Мазкур кампанияни 2002 йил март ва май ойларида Лондоннинг 8та галереясида иборат бирлашма ўтказди. Галереялар кампанияда ўзларига хос вазифаларни белгилаган бўлсалар ҳам, лекин барчалари қуйидаги мақсадларга ўз диққат эътиборини қаратдилар:

- тунги соатларнинг узайтирилганлиги хақида кўпроқ ташриф буюрувчиларни хабардор этиш;

- кечки соат 6 дан кейин ташриф буюрувчилар сонини ошириш; - галереялар хақидаги “зерикарли ва жонга теккан жой” деган тассавурни ўзгартириб, галереялар - ижтимоий хаётнинг бир қисми сифатида каби концепцияни таклиф этиш;

- ташриф буюрувчилар завқ оладиган алоҳида бир тадбирлар, маърузалар, сафар, жонли ижро, ресторан, бар ва харидлар каби фаолиятлар доирасини ОАВда ёритиб бориш.

Баъзи бир галереялар, хусусан В&А галереяси тунги соатларгача икки йил мобайнида ишлаб келган ва 1500 -2000 га яқин тунги ташриф буюрувчиларни жалб этган. Бошқалари эса, масалан Миллий Портрет Галереяси хафтасига икки тун очик бўлиб, бир йил мобайнида ишлаган эди, унга 300-400га яқин одам кечкурун ташриф буюрган. Далвик Тасвир Галереяси ўз тажрибасида тунги ташрифларни ҳеч қачон қўлламаган ва бундай имкониятдан фойдаланиш истагини билдирди. Кампания учун мақсадли гуруҳ этиб 25-34 ёшли санъатдан хабардор

ёки мутахасис, Лондонда яшайдиган ёки ишлайдиганлар танлаб олинди. Ушбу сегментни жалб этиш учун “Санъатни севасанми?

Ундан завқ ол....Кечроқ.” шиор ишлаб чиқилди.

Ушбу шиор реклама бренди сифатида юракча шаклдаги ширинликларга бириктирилди.

Ҳар бир галерея хақида маълумот, унинг жорий кўргазмалари ва кеч тунгача очиклигини ёритган 190000та рисола нашр этилди. 66000таси Лондон ва Вест Эндга дистрибьютер агентлиги томонидан тарқатилди.

Қатнашувчи галереялар ҳар бири 8000тасини тарқатди, қолгани эса *Тиме Оут* журналига илова қилинди.

Журнал ўқувчилари мақсадли аудиторияга ёши, ҳаёт тарзи каби кўрсаткичлари билан тўғри келди. Ушбу ҳаракатлар орқали 89%га ўсиш кузатилди.

Рисолада галереяларда очилган тунги барлар хақида тафсилотлар, хусусан Абсолют водка ҳомийлигидаги Лове Арт ароғидан коктейли бепул таклиф этилиши берилди. Абсолют бренди танланган ташриф буюрувчилар аудиториясига тўлиқ мос келади. Бундан ташқари *Тиме Оут* ҳар ҳафта тунги барларни реклама қилиб, газетхонларга махсус чегирмаларни таклиф этиб борди.

Кампания харажатлари қатнашчилар ўртасида тақсимланиб, 1400 фунт стерлингга тенг бўлди. Асосий харажатларни рисолаларни чоп этиш ва тарқатиш ташкил қилди. *Тиме Оут* газетаси ҳомийлигида 21000, Абсолют бренди томонидан эса 8000 фунт стерлингидаги харажатлар қопланди. Хеюард Галереясида очилган биринчи тунги бар биринчи тундаёқ ўртача сондан анча кўп бўлган ташриф буюрувчилар -300тасини жалб этди. Миллий Портрет Галереясига эса 800га яқин мижоз келди. Хаттоки энг паст рейтингда бўлган Далвик Тасвир Галереясига 200та одам келди. Кампания тугаганидан сўнг натижа кўплаб галереяларга шундай сақланиб қолди. Масалан Миллий Портрет Галереясига ташриф буюрувчиларнинг сони ўсиб борди ва ҳозирда тунги ташриф 1000 дан ортиқ бўлиб турибди. *Манбаа: Марлоу, 2001.*

Саволлар

1. Санъат муассасаларининг биргаликдаги ҳаракатида қандай афзалликлар ва камчиликлар бўлиши мумкин?

2. Галереялар реклама кампаниясини ўтказишда қандай маълумотларга эга бўлдилар? Ушбу маълумотлардан потенциал мижозлар билан узоқ муддатли муносабатларни ўрнатишда қандай фойдаланиш мумкин?

3. Сизнинг фикрингизча, ушбу кампания ташриф буюрувчиларни санъатга эмас балки бепул ичимликка жалб этишга айланиб қолиш хавфи қай даражада? Ушбу хавфни чеклаш учун нима қилиш мумкин?

Кейс №2. “Халл Трак” театри томошибанлари

Тадқиқотлар охириги 2 йил мобайнида Халл шаҳрининг театрга борувчи аҳолисидан фақатгина ярми Халл Трак театрида бўлганлигини кўрсатди. Бунга қараганда 10тадан 9таси шаҳар марказида жойлашган дастури турли туманлиги билан ажралиб турадиган Халл Нью Театрига бориши аниқланди. Йилда театрга уч ва ундан ортиқ марта борган ташриф буюрувчиларнинг сони чоракдан кўпроғини ташкил этди, уларнинг орасида ҳеч қайси Халл Трак театрида бўлмаган. Томошабинларнинг учдан бир қисми “юксак” санъат шаклларидаги замонавий драмаларни кўришни хуш кўришар экан ва улар орасида Халл Трак театрига борганлар аниқланмади.

Халл Тракнинг таҳлил этилган жорий томошабинлари театр ташаббускорлари, доимий ва турли театрларга борувчилар деб топилди. Улар театрни асосан кечқурун боришга яхши жой деб, театрга бориш уйдан ташқарида овқатланишга бориш сафари сифатида қабул қилишар экан. Уларнинг ёши 25-44 ёшда.

Бунга қиёсан, янги потенциал томошабинлар (театрга борувчи лекин Халл Тракка бормаганлар) ҳақиқатдан театрга қизиқувчилар бўлмаган. Улар янгиликни излайдиган ва тажриба сифатида қабул қиладиган инсонлар тоифасидан.

Ташриф буюришга таъсир этиш. Тадқиқот сўровномаси иштокчилари бўйича Халл Трак театрига бориш учун қандай омилларга боғлиқлиги аниқланди. Театрга борувчиларнинг ярми шаҳар марказидаги янги бино ўзига жалб этишини таъкидладилар. Танаффусда томошабинлар дам оладиган хона ёки зал, бар кафеларнинг мавжудлиги ёшроқ томошабинларни жалб этиши мумкин. Жон Годбер Жоҳн Годбер бадий директорининг маҳсулоти кўпчиликка ёқиши эътироф этилди. Лекин кўрсатувларнинг янги шакллари таклиф этиш тавсия этилди.

Маркетинг натижалари. Халл Трак театри маркетинг коммуникациясидаги камчилик потенциал бозорни чуқурроқ ўрганилмаганлиги кузатилди. Театр томошабинлари театр дастурларидан театр томонидан юборилган хатлар, тез тез ташриф буюрувчилардан хабардор бўлиб туришар экан. Айримлари маҳаллий газеталарда берилган маълумотлар билан қизиқиб турар эканлар. Ёшлар эса асосан интернетдан.

Саволлар

1. Халл Трак театри ўз миссиясини оширишда қандай мақсад ва вазифаларни белгилашини таклиф қила оласиз.

2. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда қандай стратегияларни ишлаб чиқасиз. Ушбу стратегияларни тадбиқ этиш учун маркетинг тактикасини ишлаб чиқинг.

3. Ушбу режаларни ишлаб чиқишда маълумотлар рўйхатини тузинг. Агарда Сиз Театр маркетинг менежери бўлсангиз ушбу маълумотлар етарлича бўлармиди?

Кейс №3. Опера ҳамкорлиги

Сидней Опера Хаус бутун дунёда машхур бўлган замонавий архитектура дизайнидаги бинолардан бирида жойлашган. Опера Хаус ташкилий ривожланиш инноватори сифатида унинг ижрочи директори Майкл Линк тўрт йиллик бошқаруви остида шаклланди.

Линк Австралия Кенгашидаги театр менежментида миллий санъатни қўллаб қувватловчи инновацион шахс сифатида эътироф этилиб 1998 йилда Австралия тасвирий институтини бошқарувини олди. Унинг бошқарув фаолияти Опера Хаус учун икки муҳим тарихий воқеалар – Янги йил ва 2000 йил Сидней Олимпиадасига тўғри келди. Бундай ходисалар ташкилот учун иш жараёнининг янги ёндашувларини талаб этарди ва Линк Операни “ўрганувчи ташкилот” га айлантиришга аҳд қилди. Ушбу атама америкалик менежмент намояндаси Питер Сенж (Петер Сенге) томонидан 1990 йилда “Бешинчи Фан” китобида ёритилган бўлиб, унга биноан ташкилот инсонлар каби тизимли равишда ривожланиши ва тажриба алмашишлари лозим. Албатта унинг афзаллиги бир бутунлигида, ўрганиб бориш эса ташкилот муҳим фаолиятларидан бири сифатида ташкилий қувватни оширишда катта кучдир. Бошқача қилиб таъкидланганда эса, “унинг аъзолари жамоавий хабардорлик ва унумдорликни кучайтириш ва қўллаб қувватлашга доимий диққат эътиборини қаратиб турадилар” (Сенге *эт ал.*, 1994).

Опера Хаусда муваффақиятга эришиш йўли барча ходимларни ушбу йўналишга қўйиш деб белгиланди.

Линк бундан кўнрақ изоҳлади: “Опера Хаусда ишлар қандай бажарилишига бутун штатни жалб этиш ёндашувини биз қабул қилдик. Натижа –бу иш жойи бўлиб, бу ерда ташкилот ривожини учун ҳар бир ходим ўз хиссасини қўшиш учун ваколат олган. Бу шахсининг ўсиши учун кўмакловчи иш жойи бўлиб, бунда инновациялар, маҳоратни кўрсатиш, “бундан қила оламан” деган хатти ҳаракат тан олинади ва рағбатлантирилади”.

Ушбу жараёнинг бош ғояси турли соҳаларни қамраб олувчи лойиҳа гуруҳининг ташкил топиши бўлиб, унга тажрибаси ва функционал асоси ҳар хил бўлган ҳамкасабалар киритилди.

Уларнинг вазифаси муассасанинг 2000 йилга тайёр бўлиши, яъни компьютерга мувофиқлик ва товар ва хизматларга янги солиқлар билан танишиш. Шу билан бирга маданий ўзгаришларга бўлган зарурат масаласи муассасанинг турли бўлимлари ва поғоналари томонидан ўртага қўйилди. Концепция Командаси деб ном олган ушбу ишчи гуруҳ эътиборини муассасанинг ўзини ҳамда бу ердаги ҳар бир шахсни такомиллаштиришга қаратди.

VII. ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Инглиз тилидаги	Термин	Ўзбек тилидаги
Theatre	Театр	Театр – (юн. сўз бўлиб, томошагоҳ деган маънони англатади). Санъат тури; унинг ўзига хос ифода воситаси актёрнинг омма олдидаги ўйинижараёнида юзага келадиган саҳнавий воқеадир. Театр санъатида ҳам бошқа санъатларда бўлганидек, халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр асосида оғзаки ёки ёзма драматургия ётади. Театр синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида, томошабинларнинг маънавий-эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутди. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меморлик ажралмас бирликни ташкил этади. Театр – санъатнинг муҳим бир хили бўлиб, у қадимги Грецияда туғилди.
Decoration	Театр декорацияси санъати	сценография– тасвирий санъатнинг театр санъати билан боғлиқ соҳаси; декорация, либослар ёруғлик, саҳна техникаси воситасида спектаклнинг томоша образи (кўриниши)ни яратиш санъати.
Music	Театр мусиқаси	1. кенг маънода - барча мусиқали (опера, балет, оперетта, мусиқали драма, мусиқали комедия, водевил, мюзикл ва б.) ҳамда драматик спектакллар учун ёзилган мусиқа. 2. тор маънода – драматик театр спектакль (драма, комедия, трагедия)лари мусиқаси
Theatre Science	Театршунослик	театр тарихи ва назариясини ўрганувчи фан. Мустақил илмий йўналиш сифатида театр санъатининг умумий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда XX асрда шаклланган. Театршунослик дастлаб, асосан драма театрлари фаолияти билан боғланган бўлса, кейинчалик опера ва балет, оперетта, мусиқали драма, болалар театри, кўғирчоқ театри, театр таълими, саҳна нутқи, декорация санъати, театр либоси ва пардози, саҳна ҳаракати, ҳаваскорлик театри соҳалари ва йўналишларини ўз ичига олади.
Subject	Сюжет	– (фр. ва лот. сўз бўлиб, предмет, мазмун, моҳият, нарса деган маъноларни англатади).

		<p>1.Бадиий асарда, фильмда воқеа-ходисалар тасвири, баёнидаги изчиллик ва ўзаро алоқа; бадиий асар мазмуни.</p> <p>2. Тасвирий санъатда: тасвир объекти, предмети. Сюжет –бадиий асар мазмунини ташкил этадиган, бир-бири билан ўзаро боғлиқликда кечадиган, қаҳрамонлар ўртасидаги алоқалардан таркиб топган воқеалар тизими.</p>
Acting technique	Актёрлик санъат	санъат яратиш сасна қиёфаларни (ролларни) театрда томошаларнинг тақдимотчилари
Atmosphere	Атмосфера	ҳаяжонли бо;яш ҳар кимнинг ҳаракатлари, сахнанинг, эпизода, боғлиқ бўлган тавсия этилаётган ҳолатлар, воқеаларданги тугун, низони, темпо-ритма, " донлар ", боғлиқлиги ҳаракати ва фаолият юритувчи шахсларда уни феъл-атворини, ёрдам беради.
Proscenium	Авансцена— сахна	дахлиз бир бўлак сахнанинг, бир қанча намоёиш этилган томоша зали. (Рампа). сифатида о;йин учун белгиланган майдонча сахна олди кенг фойдаланилди опер ва балет спектакль драматик театрларда сахна олди хизмат қилади. Асосан жой ҳаракатлари учун катта бўлмаган сахналар олдидаги ёпик парда.
Type, theatrical character	Амплуа— ўхшаш	феълига кўра ролини, тегишли маълум актёра (актрисалар) томонидан бажариладиган ролларнинг типи.
Atellana	Ателлана-ателлана	(қадимги рим халқ томошаси;одий халқ ҳаётини тасвирловчи қисқа сахна асари)
Annotation	Аннотация-аннотация	(қисқа қайдлар, китобнинг қисқача мазмуни)
Ballad	Баллада-	(лирик-эпик поэзиянинг бир тури)
Ballet	Балет-балет	(театр санъати турларидан бири); рақсга асосланган музикали-драматик сахна асари)
Properties	Бутафория— сахнадаги	ясама жиҳозлар қалбаки фанлар (ҳайкалтарёшлик, мебель, идиш, безаклар ва бошқалар. Асар воқеаларини очишга ёрдам берувчи нарсаларни.
Buffoon	Буффонада	кулгили театр томошаси қабул қилиш, фойдаланилаётган театрда; асосан ташқаридан қараганда комик бўрттириб юбориш, баъзида тартибли ҳаракатларни, кўринишлари

VIII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

VIII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаёвон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ПҚ-4068-сон Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4584-сон Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли [Фармони](#).

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

21. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>.

22. Авдейва Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. - Т.: Мукаррама Тургунбоева номидаги “Ўзбек рақс” миллий рақс бирлашмаси, 2001.- 204б.

23. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

24. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

25. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 б.

26. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

27. Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Т: Фан, 1993. – 205-б.

28. Қодиров М. Темур ва темурийлар даврида томоша санъатлари. – Т: Ғ.Ғулом ном. нашриёт, 1996. – 64-б.

29. Қодиров М. “Томоша санъатлари ўтмишда ва бугун” - Т: “Mumtoz so`z”, 2011. - 528 б.

30. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

31. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf.
32. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf.
33. Сайфуллаев Б. Томоша санъати тарихи ва назарияси. – Т: «Фан ва технология», 2014. - 152 б.
34. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
35. Чаплин Чарльз Спенсер. О себе и своем творчестве. М.: Искусство. Т. 1 - 1990.350 с.
36. Файзиев Х. Овозсиз кинематографдаги операторлик санъати тарихидан. Т., 2008. – 180 б.
37. Фрейлих Теория кино: от Эйзенштейна до Тарковского. М.: Искусство, ТПО-1992, “Истоки”, -351 с.
38. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Ш.Каримов ва бошқ. Тошкент: 1992,Ўқитувчи, - 294 б.
39. Ўнғбоева Б.Ў. Ўзбекистонда 1920-1956 йилларда кино ва театр санъати тарихи. Дисс автореферати. –Т., 2018. –55 б.
40. Юренев Р. Краткая история киноискусства. - М.:Академия, 2000.- 288
41. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
42. Agel H. L'espace cinématographique. Paris, ed. J.-P.Delarge-ed. Universitaires, 1978,219 p.
43. Basic Text of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage, UNESCO, Paris, 2014 y.
44. Benjamin Grosbayne. “Techniques of modern Orchestral Conducting”. Harvard University Press. USA, 2011 y.
45. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
46. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
47. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
48. Mitchell. H.Q. , Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
49. Mitchell. H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publiciations. 2015. 183.
50. Raymond Bisdorff, LuisC. Dias, Patrick Meyer, Vincent Mousseau, Marc, Pirlot. Evaluation and Decision Models with Multiple Criteria.- Springer-Verlag Berlin Heidelberg. - Germany, 2015 y.
51. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
52. Sibsan. “The modern conductor”. Pearson Prentice Hall. Англия, 2004.

IV. Интернет сайтлар

53. <http://edu.uz>
54. <http://lex.uz>
55. <http://bimm.uz>
56. <http://ziyonet.uz> –
57. <http://www.dsmi.uz>.
58. <http://www.kino-teatr.ru>
59. <http://www.artsait.ru>
60. <http://belcanto.ru/>
61. <http://music.edu.ru/catalog>
62. <http://artyx.ru/>